Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

24 март 1972 йил, жума ✦ № 70 (15.241). ✦ Баҳоси 2 тийин.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советида

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Қўйчилик маҳсулоти етиштиришни янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда таъкидлаб ўтиладики, кейинги йилларда колхоз ва совхозларнинг қўйчилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш соҳасида бир қанча тадбирлар кўрилганлигига қарамай, чорвачиликнинг бу тармоғи суст суръатлар билан ривожланиб келди.

Қозоғистон ССР, Ўрта Осиё республикаларидаги, Украина ССРнинг жанубий районларидаги, Шимолий Кавказ Поволжье, Ғарбий ва Шарқий Сибирдаги колхозлар ва совхозлар қўйчилик маҳсулотини реализация қилишдан катта даромад олаётган бўлсалар ҳам, шу тармоқни ривожлантиришга зарур маблағларни сарфламаётирлар, қўйлар усти ёпиқ жойлар билан тўла-тўкис таъмин этилмаган, сув таъминоти ва бошқа сермеҳнат жараёнлар дуруст механизациялаштирилмаган, яйловларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва ем-хашак етиштириш ишлари етарли ҳажмларда олиб борилмаётир. Натижада бу тармоқнинг ривожи иқлим шароитларига кўпроқ боғлиқ бўлиб қолмоқда, шу сабабли об-ҳаво ноқулай келган йилларда қўйчилик маҳсулотини етиштиришни ошириш суръатлари пасаймоқда.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қўйчиликни жадал ривожлантиришни халқ хўжалигининг катта аҳамиятга эга бўлган вазифаси деб билиб ҳамда жун, қўй гўшти, қоракўл тери ва қўйчиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни янада кўпайтириш ва сифатини ошириш мақсадида иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетлари билан Министрлар Советларига 3 ойлик муддат ичида қуйидаги тадбирларни ишлаб чиқиб, тасдиқлашни топширдилар:

Жун, қоракўл тери ва қўйчиликнинг бошқа маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш юзасидан 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик планда белгиланган топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш учун колхозларда, совхозларда ва бошқа хўжаликларда қўй туёғини кўпайтириш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш;

колхоз ва совхозларда қўйчилик учун мустаҳкам озуқа базасини вужудга келтириш, айни вақтда яйловларни ҳар тарафлама яхшилаш, яйловлар оборотини, молларни тўсиқ яйловларда ўтлатишни жорий этиш, қўшимча ўт экиш, сув чиқариш ва кўп йиллик маданий яйловларни барпо этиш йўли билан яйловлар маҳсулдорлигини оширишга, шунингдек, яйловларда келгуси йил учун дағал ва омухта ем-хашакларнинг эҳтиёт запасларини вужудга келтиришга алоҳида эътибор бериш;

Қўйлар учун типовой ишлаб чиқариш бинолари қуриш ҳамда фермалардаги сермеҳнат ишларни комплекс механизациялаш, шунингдек, қўйчиликда ишловчи колхозчиларнинг, совхозларнинг ишчилари ва мутахассисларининг маданий-маиший шароитларини яхшилаш.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига ва В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясига қўйчиликдаги селекция-наслчилик ишини тубдан яхшилаш чораларини кўриш топширилди.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг 1972—1975 йилларда қоракўлча олиш мақсадида брак қилинган урғочи қоракўл қўйларни боқиш учун совхозларда комплекс-механизациялашган чорвачилик фермалари ва бўрдоқичилик майдончалари қуриш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди. Иттифоқдош республикаларга 1972 —1975 йилларда қоракўлча харид қилиш топшириғи белгиланди.

СССР Қишлоқ қурилиши министрлигига, СССР Қурилиш министрлигига, СССР Саноат қурилиши министрлигига ва СССР Сгир индустрия корхоналари қурилиши министрлигига 1972—1975 йилларда мазкур фермаларни қуриш ишларини бажаришни таъминлаш топширилди. Комплекс механизациялашган қўйчилик фермаларини ва бўрдоқичилик майдончаларини қуриш муддати кўпи билан икки-уч йил қилиб белгиланди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига СССР госплани ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан келишиб, 1972—1975 йилларда колхозларда комплекс механизациялашган қўйчилик фермалари қуриш соҳасидаги ишларнинг ҳажмини белгилаб олиш, шу қурилишни амалга оширишнинг конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш, шу тадбирларда, жумладан, мазкур фермалар қурилишига колхозлараро қурилиш ташкилотлари билан бир қаторда давлат пудрат қурилиш ташкилотларини жалб қилиш, шунингдек уларни асбоб-ускуналар ва механизмлар билан таъминлаш тартибини кўзде тутиш ҳам топширилди.

Қўй боқишнинг турли усулларини ўрганиш ҳамда мамлакатнинг турли иқлим зоналари шароитида қўйчилик асбоб-ускуналари ва биноларининг тегишли типларини текшириш мақсадида 1972—1976 йилларда мавжуд хўжаликлар базасида экспериментал қўйчилик совхозларини ташкил этиш СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига топширилди.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ушбу қарорда кўзда тутилган экспериментал қўйчилик совхозлари, комплекс механизациялашган қўйчилик фермалари ва бўрдоқичилик майдончалари қуриш учун керакли лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида тайёрлашни таъминлаш таклиф этилди. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига мазкур ҳужжатлар тайёрланишига қараб келгуси йил капитал қурилишининг асосий рўйхатларига киритилган объектлар бўйича жорий йилда тегишли республикаларда чала қоладиган қурилишларни белгиланган ҳажми доирасида зарур ишларни бошлаб қўйишга ижозат берилди.

Бир қанча иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига ҳар бир республиканинг ўт уруғлигига бўлган ҳар йилги эҳтиёжини тўла-тўкис қондирадиган миқдорда ана шу уруғликларни етиштиришни таъминлашни назарда тутиб, чўл, яримчўлдаги ҳамда тоғлардаги яйловлар ва пичанзорларни яхшилаш учун зарур бўлган ёввойи ўтлар уруғини етиштиришга айрим хўжаликларни 1972 йилдан бошлаб ихтисослаштиришни таъминлаш топширилди. Чўл, яримчўлдаги ҳамда тоғлардаги яйловлар ва пичанзорларни яхшилаш учун зарур бўлган ёввойи озуқа ўсимликлари ва ўтлари уруғларининг харид нархлари ишлаб чиқилиб, СССР Министрлар Советининг Давлат нарх комитети, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва СССР Тайёрлаш министрлиги билан келишиб, 3 ойлик муддатда тасдиқлансин.

Узоқ яйловларда ем-хашакнинг эҳтиёт запасларини ғамлаб қўйиш ҳамда қўйлар кўлда боқиладиган даврда қўй боқиш ишларини механизациялаш учун зарур шарт-шароитни яратиш мақсадида иттифоқдош республикаларга 1972 — 1975 йиллар учун омухта ем, витаминли ўт талқони ва минерал моддалар билан бойитилган донадор дағал ем ишлаб чиқариш топшириғи тасдиқланди.

СССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигига қурилиш индустриясининг Қозоғистон ССРдаги ишлаб турган корхоналарида йиғма ва йиғиштириб олинадиган йиғма қўйхоналар қуриш учун енгил конструкциялар ва панеллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш топширилди. СССР Қишлоқ қурилиши министрлиги мазкур қўйхоналарни монтаж қилишни таъминлаши керак.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги 1972 йилнинг биринчи ярмида СССР Министрлар Советининг Фан ва техника давлат комитети билан келишиб, қўй боқиш технологияси, қўйчиликдаги ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш, чўпонларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва шароитларини яхшилаш соҳасидаги илмий-қидириш ва тажриба конструкторлик ишларини кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқиб, амалга оширишлари керак.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигига сув чиқариш механизмлари, озуқа тақсимлагичлар ва қўйчилик фермаларини механизациялаш учун керакли бошқа асбоб-ускуналар конструкцияларини ишлаб чиқиб, оммавий равишда ишлаб чиқаришни таъминлаш топширилди.

Чўпонлар ва қўйчиликдаги бошқа ходимлар маданий-маиший шароитларини яхшилаш мақсадида СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги билан СССР Ўрмон ва ёғочсозлик саноати министрлигига чўпонларга мўлжалланган ва иситиш воситалари, мебель ҳамда бошқа асбоб-ускуналар билан таъминланган кўчма ёғоч уйларнинг типовой лойиҳасини ишлаб чиқишни таъминлаш ҳамда чўпонлар яшайдиган ана шундай уйлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш юзасидан таклифларни тақдим этиш топширилди. Медицина саноати корхоналарида кўчма душ қурилмалари тайёрлашни ташкил этиб, СССР Енгил саноат министрлиги корхоналарида узоқ жойлардаги, шунингдек чўл ва ярим чўл зонадаги яйловлардан фойдаланадиган қўйчилик совхозлари ва колхозлари учун тайёрланадиган чодирлар билан бирга етказиб бериш ҳам топширилди.

Қарорда қўйчилик ходимларининг моддий манфаатдорлигини оширишга доир бир қанча қўшимча тадбирлар кўзда тутилган. Чўл, ярим чўл зонасидаги ва тоғлардаги яйловлардан, шунингдек узоқ жойлардаги «қора ер» ва Кизлар яйловларидан фойдаланадиган совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг чўпонларига 1972 йил 1 январдан бошлаб бир хўжаликда ўз ихтисоси бўйича иш стажи учун қуйидаги миқдорларда қўшимча ҳақ белгиланди:

Бир хўжаликда узлуксиз ишлаган чўпонларга	Йиллик иш ҳақи миқдорига нисбатан процент ҳисобида
3 йилдан 5 йилгача	12
5 йилдан 10 йилгача	15
10 йилдан 15 йилгача	20
15 йилдан ортиқ ишлаганларга	25

Чўл, яримчўл зонасидаги ва тоғлардаги яйловлардан, шунингдек узоқдаги «Қора ер» ва Кизлар яйловларидан фойдаланувчи совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг чўпонларига ўз ихтисоси бўйича 3 йилдан ортиқ узлуксиз иш стажига эга бўлган тақдирда ҳар бир навбатдаги йил учун 2 иш кунидан, лекин 6 иш кунидан кўп бўлмаган миқдорда йиллик ҳақ тўланадиган отпуска белгиланди. Шу билан бирга, қўшимча отпуска олиш ҳуқуқини берадиган иш стажига чўпонларнинг 1969 йил 1 январидан бошланган иш даври ҳисобга олинади.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ишчилари ҳамда хизматчилари касаба союзи Марказий Комитети билан келишиб, қўй жунини қирқиш ва қоракўл терисини олиш ишлари учун 1972 йил 1 январдан бошлаб анча юқори разрядларни белгилашни назарда тутиб, шу ишларнинг тарификациясини ишлаб чиқиш, СССР Министрлар Советининг Меҳнат ва иш ҳақи масалалари билан шуғулланувчи давлат комитетига эса шу тарификацияни тасдиқлаш топширилди.

Тоғлардаги яйловларда қўй ва эчки боқиш ишларида машғул бўлган совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг чўпонларига СССР Министрлар Советининг 1964 йил 9 январдаги 36-сонли қарорида 7-15 ёшдаги болаларни мактаб-интернатларда ёки умумий таълим мактаблари ҳузуридаги интернатларда тўла давлат ҳисобидан ўқитиш ва боқиш тўғрисида белгиланган имтиёз жорий этилади.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан Москвада меҳмон бўлиб турган ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧКП Марказий Комитетининг секретари ўртоқ В. Билякни 22 мартда қабул қилди. Л. И. Брежнев билан В. Биляк ўртоқлар ўртасида КПСС билан ЧКП ҳамкорлиги хусусида, шунингдек ҳар икки партияни қизиқтирувчи ҳозирги халқаро вазиятнинг баъзи проблемалари хусусида самимий, дўстона суҳбат бўлиб ўтди.

КВАРТАЛ ПЛАНИ ОШИРИБ БАЖАРИЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

Наманган, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Хоразм областларининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга гўшт, сут ва тухум сотиш биринчи квартал планини муддатидан илгари ошириб бажардилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхозда қўзилатиш кампанияси қизғин бошланиб кетди. Қишдан семиз ва соғлом чиққан совлиқлар кўплаб эгиз қўзиламоқда. Суратда: колхоз яйловларида.

Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

Хушхабарлар

ШЎР ЮВИЛИБ БЎЛДИ

БУХОРО, 23 март. (ЎзТАГ мухбири). Қоракўл районининг пахтакорлари мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай областда шўр ювишни бошқа районлардан барвақт тугатдилар. «Октябрь», «Шарқ юлдузи», «Москва», «Правда» колхозларининг тракторчилари ерни эрта кўкламги бороналашга, тупроқдаги намликни сақлаб қолишга киришдилар.

Навоий ва Свердлов районларининг механизаторлари шўр ювилган, қатқалоқ бўлган ерни юмшатишга киришдилар. Ҳамма хўжаликларда бедапояларга суперфосфат сепилиб, бороналанмоқда.

АПРЕЛЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик олтин юбилейи шарафига социалистик мусобақани кун сайин қизитаётган Ўзбекистон ССР Тайёрлаш министрлигининг Сирдарё дон маҳсулотлари базаси коллективи катта ғалабани қўлга киритди. Юк обороти биринчи квартал плани муддатидан илгари ошириб бажарилди. Топшириқдаги 11 минг тонна ўрнига 12,5 минг тонна дон маҳсулотлари реализация қилинди.

Шу кунларда апрель ойи ҳисобига меҳнат қилаётган база коллективи йиллик планни узоғи билан Улуғ Октябрь байрамигача қадар адо этишга сўз берди. Сирдарё, Ворошилов, Мирзачўл районлари хўжаликлари дон маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бераётган мазкур база ишидан миннатдор бўлишяпти.

ҚЎЗИЛАТИШ БОШЛАНДИ

Қарши районидаги «Москва» колхозида Қашқадарё областида биринчи бўлиб қўзилатиш мавсуми бошлаб юборилди. Хўжаликнинг Э. Бердиев раҳбарлик қилаётган ферма чорвадорлари мавсумнинг дастлабки кунлариданоқ совлиқлардан кўплаб эгиз қўзи олаяптилар. Ферма чорвадорлари ҳар 100 бош совлиқдан 130 тадан қўзи олиш ва 5 минг қўзини наслга қолдириш учун курашмоқдалар.

Нормурод Суюнов бош чўпон бўлган отарда шу кунгача 80 совлиқ қўзилади. Шунинг 60 тасидан эгиз қўзи олинди. Моҳир чўпон ҳар 100 бош совлиқдан 170 тадан қўзи олиш учун курашмоқда. Шунингдек, хўжаликнинг Жума Омонов, Каромат Ҳайдаров, Собир Раҳматуллаев, Худоёр Маҳмудов каби моҳир чўпонлар раҳбарлик қилаётган отарларида ҳам кўплаб эгиз қўзи олинаётир.

Колхоз чорвадорлари мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш, совлиқлардан кўпроқ қўзи олиш, соғлом қўзиларнинг ҳаммасини насл учун қолдириш мажбуриятини олиб ишлаяптилар.

Шунингдек областдаги Ғузор, Косон, Ульянов ва Чироқчи районларининг чорвадор хўжаликларида ҳам қўзилатиш кампанияси қизғин бошланиб кетди.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЛЕНИНЧА СИЁСАТИ

СССР касаба союзларининг XV съезди

ўз ишини давом эттирмоқда

22 мартда СССР касаба союзларининг XV съезди ўз ишини давом эттирди. Соат 16 да кечқурунги мажлис бошланди. Съезд делегатлари ва меҳмонлари **А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, М. С. Соломенцев** президиумга чиққанларида, уларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Е. М. Тяжельников** сўзга чиқиб, съезд делегатларининг бешдан бир қисми ишчилар ва колхозчилар ёш гвардиясининг вакиллари эканлигини айтди.

Химия ҳамма тармоқларини ривожлантириш халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини оширишга ёрдам беради, деди СССР химия саноати министри **Л. А. Костандов.**

Тожикистон касаба союзлари республика советининг раиси **А. Ҳайдаров** Тожикистон меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар тўғрисида, республика касаба союзларининг коммунистик қурилишдаги роли ҳақида, социалистик мусобақага раҳбарлик қилиш тўғрисида гапирди.

Космонавт учувчи, совет хотин қизлари комитетининг раиси **В. В. Николаева-Терешкова** ўз нутқини халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги, социал тараққиёти, тинчлиги ва бахт-саодати йўлидаги курашда планета хотин-қизларининг иштирок этишига доир муҳим проблемаларга тўхталди.

Кечқурунги мажлисда Эстония касаба союзлари республика советининг раиси **Л. Н. Ленцман,** Куйбишев областидаги Волжск автомобиль заводи касаба союз комитетининг раиси **В. М. Правосуд,** СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари **Г. М. Марков** ҳам сўзга чиқдилар.

Мажлис аҳли самимий кутиб олган Чили меҳнаткашлари бирлашган касаба союзининг секретари **Альфонсо Хаке,** Бутун Ҳиндистон касаба союзлари конгрессининг Бош секретари **Ш. А. Данге** ҳам съездда сўзга чиқдилар.

23 мартда съезд ўз ишини давом эттирди.

* * *

23 март. **Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев** ўртоқлар президиумга чиққанларида съезд делегатлари ва меҳмонлари уларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

Эрталабки мажлисда ҳамма томонидан самимий кутиб олинган бир қанча чет эл касаба союз ва ишчи делегациялари ҳамда халқаро ташкилотларнинг бошлиқлари съездни табрикладилар.

Латин Америкаси меҳнаткашларининг касаба союз бирлиги доимий конгрессининг секретари **Хосе Мигель Сарате** қуйидагиларни айтди: Совет Иттифоқининг кардошларча бирдамлиги ва Латин Америкаси китъасидаги халқларнинг суверенитет ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун, тараққиёт учун олиб бораётган курашини қўллаб-қувватлаётганлиги меҳнаткашларнинг, тараққийпарвар кучларнинг зўр иззат-ҳурматига сазовор бўлди. Совет Иттифоқи, деб таъкидлади у, бутун дунёда тинчлик таянчи, революцион ўзгаришларни ҳаракатга келтирувчи кучдир.

СОХИО раисининг ўринбосари, Япониядаги давлат темир йўллари касаба союзининг Бош секретари **Итидзо Сакан** минбарга чиқади. У айтдики, Совет Иттифоқининг социалистик қурилишда улуғ Коммунистик партия раҳбарлигида эришган муваффақиятлари бизни бундан буёнги курашга илҳомлантиради. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев Совет — Япония муносабатларини тамомила нормаллаштириш масаласига катта эътибор берди.

Бангладеш Халқ Республикаси касаба союз марказининг раиси **Чоудхури Харунга** сўз берилади. У қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: менинг мамлакатимнинг халқи озодлик ва мустақиллик учун олиб борган курашини Совет Иттифоқи ва унинг ишчилар синфи актив қўллаб-қувватлади. Бангладеш халқи ва ишчилар синфи сизнинг мададингизни, ўз вақтида берган ёрдамингизни эсдан чиқармайди, деди Чоудхури Харун.

Нотиқ Совет Иттифоқининг эришган муваффақиятлари ва ютуқлари тинчлик, демократия, миллий-озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган барча кишиларга илҳом ва куч бахш этувчи манбадир, деб таъкидлади.

Жазоир меҳнаткашлари умумий бирлашмаси, миллий комиссиясининг аъзоси **Ребрика Буалем** бундай деди: Жазоир меҳнаткашлари совет халқининг барча соҳаларда эришган муваффақиятларидан қувонмоқдалар. Совет Иттифоқининг тажрибаси, деди нотиқ, Жазоирда социалистик жамиятни ривожлантириш учун жуда фойдалидир.

Халқаро пролетар бирлиги ва бирдамлиги ҳозирги вақтда халқларни эски ва янги мустамлакачиликдан озод қилиш учун, халқлар тинчлигини сақлаш учун, халқлар дўстлиги учун курашни активлаштиришнинг объектив асоси бўлиб қолганлигини нотиқ таъкидлаб ўтди.

Ирландия тред-юнионлари конгрессининг раиси, ёғочсозлар бирлашган жамиятининг бош секретари **Жим Кокс** гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилаётган ўз мамлакати халқларининг кураши тўғрисида гапирди. У ирланд халқининг кураши билан бирдамлик билдирган съезд катнашчиларига миннатдорчилик изҳор қилди.

Съезд делегатлари Шимолий Ирландиядаги аҳвол хусусида якдиллик билан баёнот қабул қилдилар.

Касаба союзларининг XV съезди Шимолий Ирландия аҳолисига нисбатан қилинаётган жабр-зулм ва зўравонликка қарши кескин норозилик билдирди, қуролли кучлардан фойдаланишга чек қўйишни, ҳамма сиёсий маҳбуслар ва ушлаб олинган кишилар дарҳол бўшатиб юборилишини, Шимолий Ирландия халқининг адолатли талабларини қондириш чоралари кўрилишини талаб қилди.

Эрталабки мажлисда халқаро меҳнат ташкилоти меҳнаткашлар билан алоқа бўлимининг мудири **Гарольд Даннинг,** Миср меҳнат федерациясининг раиси **Ғариб Салох,** Аргентина касаба союзлари бирлиги ва ҳаракатларни мувофиқлаштириш ҳаракати раҳбарлигининг аъзоси **Рубенс Искаро,** Шотландия тред-юнионлари конгрессининг хазиначи секретари, транспорт ва малакасиз ишчилар касаба союзи ижроия комитетининг аъзоси **Алек Китсон,** Эрон ишчилари ташкилоти бош секретари вазифасини бажарувчи **Аҳмад Болурий,** Янги Жанубий Уэльс штати касаба союзлари кенгашининг секретари, Австралия касаба союзлари кенгаши ижроия комитетининг аъзоси **Ральф Марш** — чет эл касаба союз ва ишчи делегациялари вакилларидан жами 40 киши сўзга чиқди. (ТАСС).

ШИМОЛИЙ ИРЛАНДИЯДАГИ АҲВОЛ ХУСУСИДА СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИ XV СЪЕЗДИНИНГ БАЁНОТИ

Совет касаба союзлари XV съездининг делегатлари Шимолий Ирландияда содир бўлаётган фожиали воқеалар хусусида жуда ташвишланаётганликларини изҳор қиладилар.

Шимолий Ирландия меҳнаткашлари ва аҳолисининг кенг доиралари гражданлик ҳуқуқларини, социал ва демократик эркинликларни ҳимоя қилиш юзасидан қўйган одилона талабларига жавобан маъмурлар оммавий репрессияларни кучайтирмоқдалар. Буюк Британиянинг ҳукмрон доиралари Шимолий Ирландия проблемасини сиёсий ҳал этиш йўлидан бош тортиб, тинч аҳолига қарши армия юбордилар, мамлакатда полиция бебошлиги режимини ўрнатдилар. Бу ҳол вазиятни янада кўпроқ кескинлаштириб юборди, тинч аҳолидан кўп кишининг ҳалок бўлишига, иқтисодий ҳаётнинг издан чиқишига, меҳнаткаш халқ аҳволининг янада ёмонлашишига олиб келди.

Лондондеррида 1972 йил 30 январда бўлиб ўтган воқеалар натижасида тинч намойиш қатнашчилари ўққа тутилиб, 13 киши ўлдирилганлиги ва 18 киши оғир жароҳатлантирилганлиги бутун жаҳон жамоатчилигининг қаҳр-ғазабига сабаб бўлди.

Совет касаба союзларининг 98 миллион аъзоси номидан XV съезд Шимолий Ирландия меҳнаткашлари билан бирдамлик изҳор қилади, ўзбошимчалик билан ушлаб олиб, қамоққа ташланган қурбонларнинг оилаларига астойдил ҳамдардлик билдиради. Съезд делегатлари Шимолий Ирландия аҳолисининг асрий муддаолари инсонпарварлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш принциплари асосида одилона ҳал этилади, деб умид билдирадилар.

Касаба союзларининг XV съезди Шимолий Ирландия аҳолисига нисбатан жабр-зулм ва зўравонлик қилинаётганлигига қарши кескин норозилик билдиради ҳамда қуролли кучлардан фойдаланишга чек қўйилишини, ҳамма сиёсий маҳбуслар ва ушлаб олинган кишилар дарҳол бўшатиб юборилишини, Шимолий Ирландия аҳолисининг адолатли талабларини қондириш чоралари кўрилишини талаб қилади.

ПАРТИЯ КУЧИНИНГ МАНБАИ

Р. ҒОЙИБОВ,
Ўзбекистон КП Қашқадарё область комитетининг биринчи секретари

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг тарихий XXIV съезди босиб ўтилган йўлга якун ясаб ва келажакдаги вазифаларни белгилаб, мамнуният билан шуни қайд қилдики, партия ўз Марказий Комитети раҳбарлигида ленинча йўлга қатъий амал қилмоқда, ишчилар синфининг, меҳнаткашларнинг, бутун совет халқининг сиёсий раҳбари ролини шараф билан бажармоқда. Партиямиз ўз сафларини тобора мустаҳкамлаб, коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида ўз таъсирини кучайтирмоқда, омма билан алоқаларини кенгайтирмоқда.

Партиянинг раҳбарлик ролини бундан буён ҳам бутун чоралар билан ошира бориш, барча коммунистларнинг, барча совет кишиларининг фикр ва ҳаракат бирлигини тобора мустаҳкамлашга эришиш — энг муҳим вазифадир. Шунинг учун ҳам Коммунистик партиямиз кўрсатмаларига оғишмай амал қилаётган Қашқадарё область партия ташкилотлари омма билан алоқани мустаҳкамлашга доимо алоҳида эътибор бермоқдалар.

Кенг меҳнаткашлар оммаси билан алоқани янада мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи шартларидан бири жамоат ташкилотларига партия раҳбарлигини яхши йўлга қўйишдир. Область партия комитети кейинги йилларда жамоат ташкилотларидан бири бўлган Советларнинг энг оммавий бўғини — қишлоқ ва посёлка Советлари ишига талабчанликни оширди. Шу боисдан уларнинг кўпчилиги КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советларининг ишини яхшилаш тўғрисида» 1967 йил 8 мартда чиқарган қарорини изчиллик билан бажармоқдалар, ўзларига берилган ҳуқуқларни тўғри тушуниб, колхоз ва совхоз, корхона ва муассасалар фаолиятининг энг зарур проблемаларини, хўжалик ва маданий қурилишнинг энг актуал масалаларини муваффақиятли ҳал қилмоқдалар. Натижада депутатларнинг фаолияти ҳам активлашди. Улар кўпроқ омма ўртасида бўлиб, сайловчиларга ўз вақтида ҳисоб бериб турадиган, тушган наказлар қандай бажарилаётганлигидан кўпчиликни хабардор қилиб турадиган бўлдилар. Депутат — халқ хизматкори, улар доимо халқ орасида бўлиб, ўзларининг депутатлик фаолияти тўғрисида сайловчиларга ҳисоб берадилар, сайлов вақтида берилган наказлар қандай бажарилаётганлигидан хабардор қилиб турадилар. Масалан, 1972 йил 1 январгача область Советининг 175 депутатидан 115 киши ўз сайловчилари олдида ҳисоб берди. Шу давр ичида сайловчиларнинг 355 наказидан 113 таси бажарилди. Бу соҳада айниқса Ғузор районидаги Гулшан ва Куйбишев, Қамаши районидаги Қамаши ва Қорабоғ, Қарши районидаги Дашт ва Нуқрабод, Косон районидаги Косон ва Муборак, Яккабоғ районидаги Сандал ва бошқа бир қанча кишлоқ Советлари ибратли ишлар қилмоқдалар.

Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишда область касаба союз ташкилотлари муҳим роль ўйнамоқда. Касаба союз, В. И. Ленин таърифи билан айтганда, бошқариш мактаби, хўжаликни юритиш мактаби, коммунизм мактабидир. Айниқса социалистик мусобақани ва унинг юқори формаси бўлган коммунистик меҳнат ҳаракатини ташкил этишда касаба союзларининг роли катта. Ҳозир бу ҳаракатда 1410 бригада, 326 цех, участка ва смена, 30 мингга яқин киши қатнашмоқда. Илғорлар тажрибаси эса кенг ёйилмоқда.

Бу соҳада Қарши ёғ-экстракция заводи, 19-қишлоқ қурилиш тресги, Ғузор давлат наслчилик заводи, Шаҳрисабз шаҳридаги «Ҳужум» бадиий буюмлар фабрикаси ва бошқа бир қанча касаба союз ташкилотларининг олиб бораётган ишлари мақтовга сазовордир. Улар давлат планларини бажариш, меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш рентабеллигини ошириш каби масалалар билан бирга, ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш ва уларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини ташкил этишга ҳам катта эътибор бермоқдалар.

Партия комитетлари касаба союзларнинг кўп қиррали фаолиятига ҳар томонлама ёрдам бераётир. Область касаба союзлари Советининг фаолияти область партия комитетининг бюросида муҳокама этилганлиги касаба союз ташкилотларининг ишини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди. Касаба союз ташкилотларида ишлаётган коммунистларнинг масъулияти оширилди. Касаба союз ташкилотлари фаолиятига раҳбарлик соҳасида маҳаллий партия ташкилотларининг иши яхшиланди. Шаҳар ва район партия комитетлари касаба союз ташкилотларида ишлаш учун обрўли ва тажрибали кадрларни юбордилар. Партия ташкилотларининг ёрдами туфайли касаба союз активлари сони ошиб бормоқда.

Область партия ташкилотлари ёшлар билан алоқани мустаҳкамлаш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида, интернационализм ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашдек мураккаб вазифани комсомол ташкилотлари билан бирга амалга оширмоқдалар. Комсомол ташкилотларини кадрлар билан мустаҳкамлаш масаласи доимо диққат марказида турибди. Партия комитетлари ёш коммунистларни комсомол ташкилотларида ишлаш учун юбормоқдалар. Кейинги вақтда 1900 га яқин коммунист комсомол органларига сайланганлиги буни яққол кўрсатиб турибди.

Ёшларнинг бошлаб берган ташаббуслари ва ибратли ишлари партия ташкилотлари томонидан қизғин қувватланмоқда. «Қаршистрой» бошқармасига қарашли 10-механизациялашган ишлар бошқармасининг экскаваторчиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ниёз Тоштемиров КПСС Марказий Комитетининг 1971 йил ноябрь Пленуми ва СССР Олий Советининг учинчи сессияси қарорларидан илҳомланиб, беш йиллик планини 3,5 йилда бажариш тўғрисида областнинг барча ёшларига мурожаат қилди. Бу олижаноб ташаббус маъқулланган эди. Ҳозир ўртоқ Тоштемиров ойлик топшириқларини ҳамиша ошириб бажармоқда. Унинг юзлаб издошлари ҳам ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришмоқдалар. Қарши районидаги «Коммунизм» колхозининг ёш чорвадорлари ҳар бир сигирдан йилига 3,5 минг литрдан сут соғиб олишга қарор қилиб, ўз ваъдаларига яраша меҳнат қилмоқдалар. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Партия комитетлари комсомол ташкилотларининг ишини доимо диққат билан кузатиб бориб, ёшларни коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга актив жалб этишда уларга яқиндан ёрдам кўрсатмоқдалар. Кўп масалаларни ҳал қилишда партия ташкилотлари ёшларга яхши маслаҳатлар бермоқда, ташкилотчилик ва тарбиявий иш формаларини ўргатмоқда. Ёшларни халқимизнинг меҳнат ва жанговар традицияларн руҳида тарбиялаш ишига кекса революционерлар, меҳнат ветеранлари ва ишлаб чиқариш новаторлари жалб қилинмоқда.

Областда партия ташкилотларимиз меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотларига раҳбарлик савиясини тинмай ошириб бормоқдалар. Партия комитетларининг оммавий ташкилотлар фаолиятига оид масалаларни актив кузатиб бориш ва вақти-вақти билан муҳокама қилиб туриши уларга партиявий раҳбарликнинг услуб ва методларини ҳам такомиллаштиришга, ижобий тажрибаларни умумлаштиришга, камчиликларни очиб ташлаш ва ўз вақтида бартараф этишга имкон бермоқда. Натижада партия органлари билан меҳнаткашлар оммавий ташкилотларининг ҳаракат бирлиги янада мустаҳкамланмоқда.

«Партия билан бутун меҳнаткашларнинг ажралмас бирлиги — бизга олға томон дадил қадам ташлаш, энг мураккаб вазифаларни ҳал қилиш имконини беради», деб уқдирган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездига Марказий Комитетнинг ҳисобот доқладида. Партия даъвати ҳаётимизнинг нормаси бўлиб қолмоқда. Эндиликда меҳнаткашлар келажак режаларимиз ҳақида бош қотирмоқдалар, оммавий қаҳрамонликлар кўрсатиб, давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун жонбозлик қилмоқдалар.

Партия ташкилоти оммага бош бўлиб, унга суянган ҳолда иш олиб борганлиги туфайли халқ хўжалигини ривожлантириш планлари ортиғи билан бажариб келинмоқда. Жумладан, областда саккизинчи беш йиллик топшириқлари тўла ва ошириб адо этилди. Область саноати маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш программасини муддатидан илгари бажарди.

Ўтган беш йиллик якунлари область меҳнаткашларини янги зафарларга илҳомлантирмоқда. Эндиликда область партия ташкилоти кенг меҳнаткашлар оммасининг бутун куч-ғайратини тўққизинчи беш йилликнинг улуғвор режаларини амалга оширишга қаратаётир. Янги беш йилликда областимиз олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баравар кўпайтирилади. Энергетика, нефть, газ, енгил ва озиқ-овқат саноати анча ривожланади. Бу беш йилликда йилига 220 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарадиган йирик завод, 3 пахта тозалаш заводи, ёғ ва пишлоқ заводлари, гўшт комбинати, ипак ва гилам фабрикалари, темир-бетон ва ёритиш техникаси буюмлари заводлари ҳамда бошқа бир қанча корхоналар қуриб ишга туширилиши керак. Беш йил ичида сарфланадиган капитал маблағ ҳажми 1,5 миллиард сўмни ташкил этади. Саноат, граждан ва маданий-маиший қурилишлар, шунингдек сув хўжалиги ва мелиорация ишлари жадал суръатлар билан олиб борилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ва унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни анча юксалтириш мўлжалланган. 1975 йилга бориб пахта етиштириш йилига 500—550 минг тоннага етказилади, сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотлари — 3 баравардан зиёд кўпаяди.

Беш йилликнинг иккинчи йили давом этмоқда, область меҳнаткашлари бу йилни ҳам муваффақиятли якунлашга аҳд қилганлар. Халқ хўжалиги ходимларининг яқинда бўлиб ўтган область кенгашида ўтган йилдаги ишларга якун ясалди ва 1972 йил учун социалистик мажбуриятлар қабул қилинди. Бу тадбирларни ишлаб чиқишга ҳам партия ташкилотлари ва коммунистлар бошчилик қилдилар.

Бу йил областимиз саноати ходимлари маҳсулотни реализация қилиш планини муддатидан илгари — 25 декабргача бажариб, пландан ташқари 8,5 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мажбуриятини олдилар. Шунингдек, область бўйича давлатга 350 минг тонна пахта, шу жумладан 37 минг тонна ингичка толали пахта, 85 минг тонна дон, 3600 тонна жун ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш вазифаси турибди.

Областимизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда Қарши чўлини ўзлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Амударё сувини 150 метр баландликка кўтариб, чўлга сув чиқарилгач, бу ерда 900 минг гектарга яқин майдон ўзлаштирилади. Қарши чўли тўла ўзлаштирилганда унда 134 янги совхоз, шу жумладан 124 пахтачилик совхози барпо этилади, 30 та пахта тозалаш заводи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган бошқа кўплаб корхоналар қурилади.

Ҳозир Қарши чўлининг 200 минг гектардан иборат биринчи навбатини ўзлаштириш соҳасидаги ишлар қизғин бормоқда. Чўлкуварлар шу йилнинг ўзидаёқ ҳамма насос станцияларини битказиб, Қарши ва Ульянов районларининг хўжаликларига Амударё сувини беришга ҳаракат қилишяпти. Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши ҳисобланган Қарши чўлини ўзлаштиришда коммунистлар ва партиясизлар, турли миллат вакиллари ва турли касб эгалари қўлни-кўлга бериб меҳнат қилмоқдалар.

Янги беш йилликда хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма тармоқларини юксалтириш соҳасидаги режаларнинг муваффақияти оқибат — натижада кадрларнинг активлиги, ташаббускорлиги ва изланишларига боғлиқ. Шунинг учун ҳам, Қашқадарё область партия ташкилоти КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети VI пленуми томонидан қўйилган коммунистик қурилишнинг муҳим вазифаларини бажариш, муваффақиятларимизнинг тақдирини ҳал қилувчи кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш ишига эътиборни кучайтирмоқда. Шубҳа йўқки, областимиз меҳнаткашлари партия билан халқнинг монолит бирлигига содиқ бўлиб, Коммунистик партия ва унинг ленинча Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган ҳолда, беш йиллик топшириқларини шараф билан адо этадилар.

АХБОРОТ

АНДИЖОН

Қайнар булоқ

Янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига «Экин-тикин» массиви барпо этилди. 2000 гектарча майдонда деҳқончилик қилиш учун имконият яратилди. Шаҳрихон сув шохобчаларини ремонт қилиш ва насос станциялари қуриш бошқармаси коллективи массивда катта станция қурди. Андижон насос станцияси деб номланаётган бу иншоот электр ёрдамида ишлайди ва зарур вақтларда оқар сувни 130 метр баландликка кўтариб беради.

Станция бир қатор хўжаликларга хизмат қилади. Далаларга етиб боргунча сув исроф бўлиб кетмаслиги учун олти километр масофадаги ариқлар бетонланди. Бунда сув равон оқади ва ортиқча нобуд бўлмайди.

Шаҳрихон атласи

Атлас тўқиб чиқаришнинг ўзлаштирилиши Шаҳрихоннинг довруғини яна ҳам ошириб юборди. Маҳаллий саноат комбинатига қарашли атлас цехи етти—саккиз хилдаги шундай газламаларни тўқиб чиқараётир. Кейинги ўн икки ойда 13 минг 500 метрдан ортиқ атлас тайёрланди.

Маҳаллий хотин-қизлар Чехословакиядан келтириб ўрнатилган станокларни бошқаришни тўла ўзлаштириб олдилар. 44 та шундай станок бир меъёрда ҳаракатланиб, дақиқа сайин кўзни қамаштирадиган газлама тўқиб чиқаряпти. Ўтган йил якунида корхона комбинат цехлари даврасида биринчи ўринни олди. Ҳозир цехни фабрикага айлантириш тадбирлари кўрилмоқда. 2,5 гектар майдон ажратиб берилди. Уч қаватли фабрика биноси келаси йилда тўла фойдаланишга топширилади. Станоклар сони 150 тага етказилади. Натижада атлас тўқиб чиқариш беш йиллик охирига бориб беш баравар ортади.

Қишлоқ жамоли

Уттизинчи йилларда бу қишлоқ «Жўжа» номи билан юритилган. Ўша пайтларда ана шу жой тўқайзор бўлиб, қирғовуллар жўжа очиб ётарди. Кейин 40—45 гектар ер ўзлаштирилиб, 12 центнердан пахта олинган. Эндиликда бу жойлар Москва районига қарашли «Партия XXII съезди» колхози ихтиёрида. Қишлоқнинг жамоли очилиб кетган. Обод посёлка бунёд этилди. 820 гектар ерда ўтган йили деҳқончилик қилинганди. Пахтадан 37,7 центнердан ҳосил кўтарилди.

Даромадга яраша — буромад. Сўнгги уч-тўрт йил мобайнида 200 оилага ғиштин уй-жой бинолари қуриб берилди. Йил бўйи ишлайдиган боғча-ясли биноси фойдаланишга топширилди. Қишлоқнинг ҳаммоми, ўрта мактаби, телефони, шунга яраша маданий-маиший хизмат объектлари бор. СССР ташкил топганлигининг эллигинчи йилида қишлоқ тўла газлаштирилади, ёзги кинотеатр, санаторий қурилади.

А. НАБИХУЖАЕВ,
пенсионер.

СОВЕТ ХОДИМИ МИНБАРИ

КУНДАЛИК ИШ

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларнинг турмуш даражасини кўтариш, уларга маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ана шу ғамхўрликлар туфайли шаҳар ва қишлоқларимиз йил сайин ободонлашиб, қиёфаси ўзгариб бормоқда. Беруний шаҳри ҳам республиканинг кўркамлашиб бораётган социалистик шаҳарларидан биридир.

Бундан уч-тўрт йил муқаддам аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш нуқталари айтарли кўп бўлмаган шаҳримизда бугунги кунда фахрланса арзийдиган ишлар амалга оширилди. Кейинги икки йилнинг ўзида ободонлаштириш ва озодалик мақсадлари учун 975 минг сўм маблағ сарфланди. Ана шу маблағлар эвазига 5 километр тротуар, 20 километр йўлга асфальт ётқизилди, 75 та катта-кичик кўприк қурилиб, 134 кўчадаги ариқ-зовурлар тартибга келтирилди ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шаҳар ижроия комитети ва унинг депутатлари диққат марказида бўлиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Турмуш даражаси юксалиб бораётган шаҳарликларга жуда катта қулайликлар яратилди. Жумладан, кейинги бир йилнинг ўзида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш объектлари ўн бештага кўпайтирилди.

Савдо ва медицина хизмати кўрсатиш борасида ҳам бир қатор ишларни амалга оширдик. Шаҳарликларнинг ўсиб бораётган кундалик эҳтиёжини ҳисобга олиб, савдо корхоналари сони кўпайтирилди. Шаҳар матлубот жамияти ташкил этилди. 10 та бўлими бўлган савдо маркази ва бир неча типовой магазин бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, медицина хизмати кўрсатиш борасида ҳам кўпгина ишлар қилинди. Бундан икки йил олдин шаҳарда битта касалхона, поликлиника ва дорихона ишлаган бўлса, ҳозир 2 та дорихона, профилактик санаторий, еттита медицина пункти аҳоли хизматида.

Шаҳар меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашда клуб, кутубхона ва театрларнинг роли катта. Шуни ҳисобга олиб шаҳар ижроия комитети аҳолига маданий хизмат кўрсатадиган бинолар қуриш, кутубхоналарнинг китоб фондларини бойитиш, ана шу ерларда ишлаётган кадрларнинг малакасини ошириш ишлари билан доимий равишда шуғулланмоқда. Бу масалалар вақти-вақти билан шаҳар Советининг сессияларида муҳокама қилиниб, конкрет қарорлар қабул қилинади. Ҳозир 48 минг нусха турли адабиётларга эга бўлган тўртта кутубхона, уч клуб, олти кинотеатр берунийликларга намунали хизмат кўрсатяпти.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини ишлаб чиққан партиямиз XXIV съезди қарорларида шаҳар Советлари олдига ҳам жуда катта вазифалар қўйилган. Ишни партия съезди қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг «Меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар Советларининг ишини яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этиб, ободонлаштириш, аҳолига маданий-маиший ва савдо хизматини яхшилаш юзасидан қилинадиган ишлар кўламини белгилаб олдик. Олдинги йилларда бўлганидек, тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам қурилиш ишлари тез суръатлар билан олиб борилади.

Шаҳар қурилишининг бош планига асосан уй-жой бинолари, маданий- маиший, савдо, маориф, медицина хизмати кўрсатиш объектлари қурилиши беш йиллик давомида яна ҳам кенгайтирилади. Кейинги икки-уч йилда 15 та кўп қаватли турар-жой, ҳар бири 140 ўринли иккита болалар боғчаси, давлат банки, 42 ўринли меҳмонхона, шаҳар Совети биноси, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, дорихона бинолари қад кўтарди.

Ободонлаштириш ва аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан шаҳар ижроия комитети ишлаб чиққан тадбирларга кўра, 1972 йилда бошқа ишлар билан бир қаторда қурилиш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Юбилей йилида ҳар бири 20 квартирали 4 та турар-жой, ҳар бири 140 ўринли 3 та болалар боғчаси, район босмахонаси бинолари фойдаланишга топширилиши керак. Шунингдек, 600 томошабин сиғадиган клуб, маданият саройи, ёзги ва қишки кинотеатр, стадион, 1000 ўқувчига мўлжалланган мактаб қурилиши бошлаб юборилади.

Шу кунларда бутун мамлакат СССР ташкил этилганининг 50 йиллигига тайёргарлик кўрмоқда. Аму соҳилидаги навқирон Беруний шаҳри меҳнаткашлари ҳам умумхалқ курашига қўшилиб, мусобақани қизитмоқдалар. Ҳар бир берунийлик «Шаҳримизни озода ва кўркам шаҳарга айлантирамиз» деган шиор билан меҳнат қиляпти.

Мақсадимиз шаҳар кўчаларини кўкаламзорга айлантириб, меҳнаткашлар ҳордиқ чиқариб, дам оладиган парк ва ҳиёбонлар барпо этиш. Бир сўз билан айтганда буюк олим Абу Райҳон Беруний номидаги шаҳримизни ўз номига монанд озода ва гўзал, юксак маданиятли шаҳарга айлантирамиз.

Р. РАЖАБОВ,
Меҳнаткашлар депутатлари Беруний шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси.

15 АПРЕЛЬ — ЛЕНИНЧА КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

ИШЧИЛАР—ШАНБАЛИККА

Қашқадарё корхоналарида, қурилиш ташкилотларида, муассасаларда, ўқув юртларида ҳам 15 апрелда коммунистик шанбалик ўтказишга қизғин тайёргарлик кўриляпти. Бу ташаббусга биринчи бўлиб Қарши шаҳридаги тикувчилик фабрикасининг чеварлари қўшилдилар.

Яқинда тикувчилик фабрикасининг коллективи 15 апрелда оммавий коммунистик шанбалик ўтказишга бағишлаб митинг ўтказди. Митингда сўзга чиққан фабрика партия ташкилотининг секретари Гулсара Жабборова, смена мастери Муҳаррам Очилова, мастер Мария Князькова, тикувчилардан Шарофат Саидова, Қандолат Қудратовалар 15 апрель куни смена топшириқларини 130—140 процент бажаражакларини айтдилар. Уларнинг чақириқларига кўплаб тикувчилар қўшилишди.

Фабрика ишчилари, 15 апрель куни 800 та кийим-кечак ишлаб чиқаришади. Иш ҳақларини эса беш йиллик фондига ўтказишади.

Тикувчилар ташаббусига Қаршидаги қурилиш материаллари комбинати ва 19-қишлоқ қурилиш трестининг қурувчилари ҳам қўшилдилар. Қурувчилар шанба куни қурилиш суръатини ошириш, жамғарилган маблағни беш йиллик фондига топширишга аҳд қилдилар.

Қурилиш материаллари комбинатининг директори И. Ороловнинг айтишича, 15 апрель куни қурувчилар коммунистик шанбаликка чиқиб, беш йиллик фондига 2 минг сўмдан ортиқ маблағ ўтказадилар.

Қашқадарё области қурувчилари, Қарши даштини гулистонга айлантириш учун меҳнат қилаётган чўлқуварлар ва бошқа касбдаги кишилар ҳам, 15 апрель куни зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб, меҳнат қилажакларини изҳор этмоқдалар.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДИРЕКТИВА ОБЪЕКТЛАРИ ЙЎҚЛАМАСИ

ТУРБОГЕНЕРАТОР МОНТАЖИ БОШЛАНДИ

Сирдарёда бунёд этилаётган улкан нурхона қурилиши кундан-кунга авж оляпти. Катта қурилиш майдонида меҳнат қилаётган қурувчилар, монтажчилар, арматурачилар, механизаторлар ягона ният билан ишлаб ГРЭСнинг биринчи 300 минг киловатт қувватли энергоблокини шу йилдаёқ ишга туширишга ҳаракат қилаётирлар. Шуни қувонч билан айтиш керакки, яқинда ГРЭС қурилишида катта янгилик юз берди. Нурхона бунёдкорлари биринчи турбогенератор монтажига киришдилар. Шу билан бирга қурилиш майдонида барча ишларни комплекс равишда бажаришга киришилди. Бир томонда бетончи-арматурачилар қўшимча қисм ва бўлимларга бетон ётқизишяпти, иккинчи ёқда эса тайёр ҳолга келтирилган пойдевор устида йирик ускуналар тезкорлик билан монтаж қилиняпти.

Биз ГРЭС қурилишига раҳбарлик қилаётган тажрибали энергетик Семён Семёнович Функ билан суҳбатлашдик. Унинг кабинетида ГРЭС қурилиши ҳақида ҳикоя қилувчи ҳар хил диаграммалар ва лойиҳалар осилган. Ўртадаги столда нурхонанинг катта макети турибди. Семён Семёнович бизга ГРЭС қурилиши ва унинг истиқболи тўғрисида, шу кунларда амалга оширилаётган қурилиш-монтаж ишлари ҳақида гапириб берди.

— Тўрт миллион киловаттдан ортиқ қувватга эга бўлган нурхонамизнинг дастлабки энергоблокини монтаждан чиқаришга қизғин тайёргарлик кўряпмиз. Унда ўрнатиладиган кўпгина агрегатлар мамлакатимиздаги бир неча машинасозлик заводларида тайёрланмоқда. Ҳозир монтажга киришилган биринчи турбогенератор ускуналарини Ленинград заводидан қабул қилиб олдик. Қозонлар эса Таганрог заводида тайёрланяпти. Иттифоқимиздаги ўнлаб машинасозлик корхоналари бизнинг буюртмаларимиз устида ишлаётир.

Нурхона қурилиши бошланганига расман 5-6 йил бўлаётган бўлсада, асосан 1970 йилда бунёдкорлар кенг фронт бўйлаб ишга киришишди. Унга пойдевор қўйилди. Умумхалқ зарбдор қурилиши деб эълон қилинган ГРЭСимизда мамлакатимизнинг турли ерларидан қурувчилар, монтажчилар, арматурачилар, лойиҳачилар ва бошқа касб эгалари келиб, меҳнат қилаётирлар. Қурилиш майдонида 3 мингдан зиёд ишчи ягона мақсад йўлида тер тўкаётир.

Барча қурилиш участкаларида бунёдкорлик иши жадал тус олган. Қозонлар қурилиши айниқса авжида. Техника таъминоти бўлими биноси бўй чўзиб қолди. Бош корпус биносида монтаж ишлари тугалланди. Баланд ҳавозаларда тўсинлар ва устунларни, кўприксимон кранлар ҳаракатланувчи йўлларни ҳамда металл конструкцияларни ўрнатаётган монтажчиларни кўриш мумкин.

Шуни фахр билан қайд этиш керакки, техника ҳамда механизмларни унумли ишлатаётган, вақт ва қурилиш хом ашёларидан тежаб-тергаб фойдаланаётган меҳнатсевар бунёдкорлар яхши натижаларни қўлга киритишаётир. Шу кунга қадар 180 метрли тутун минораси ҳамда бош корпуснинг кўпгина участкалари қўлдан чиқарилди. Мавжуд агрегатлар монтажи бошлаб юборилди. Бош корпус қурилишида тезкорлик намунасини кўрсатиб меҳнат қилган монтажчи М. Мезницин, бетончи Ж. Назирбеков, арматурачи Н. Салимов сингари мусобақа илғорлари шу кунда бошқа қурилиш участкаларига ўтиб ишлаётирлар. Турбогенераторни монтаж қилаётган монтажчилар смена топшириқларини ҳар сафар 120-130 процент уддалаётганликлари ҳақида рапорт бермоқдалар.

Энди икки оғиз сўз, энергетиклар шаҳри — Ширин посёлкаси ҳақида. Посёлкада қад кўтараётган кўп қаватли уй-жой бинолари бирин-кетин кўзга ташланиб қолди. Ўтган қисқа вақт мобайнида шаҳарчада 30 минг квадрат метрдан ортиқ уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Мактаб, магазин ва бошқа маъмурий-маиший бинолар нардоздан чиқарилди. Шу кунларда шаҳарчада 12 минг киши истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг сони яқин йиллар ичида 35 минг кишига етади. Яқинда қабул комиссияси бинокорлар қўлдан чиқарган 350 ўринли ётоқхона, битта уй-жой биносини ҳам қабул қилиб олди.

Сирдарёда қурилаётган гигант нурхона СССР ташкил топганига 50 йил тўладиган кунгача электр энергия ишлаб чиқара бошлайди. Шунгача ГРЭСнинг дастлабки энергоблоки ишга тушади. Илк ҳосил қилинган энергияни биринчи бўлиб Ширин шаҳарчаси ва Мирзачўлдаги посёлкалар қабул қилиб олади. Ундан кейин Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводи ҳам ана шу нурхона қувватидан баҳраманд бўлади.

М. САИДОВ.



Суратларда: (юқоридан пастга). 1. Тез суръатлар билан ГРЭС корпусларини монтаждан чиқараётган серғайрат монтажчилар Р. Бойбеков ва В. Решетников ўртоқлар: 2. Кўкка бўй чўзаётган корпуслар.

А. Тўраев фотолари.

БЕРУНИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИГА

ТАРАДДУД

Келаси йили барча совет халқи ва бутун жаҳон аҳли улуғ олим-энциклопедист Абу Райҳон ал Беруний туғилган куннинг 1000 йиллигини кенг нишонлайди. Бу кутлуғ санага Автоном республикада ҳам қизғин ҳозирлик кўриляпти.

«Билим» жамиятининг Қорақалпоғистон ташкилоти қошидаги илмий-методик советлар ва секциялар, шу жумладан адабиёт ва тарих фанлари секциялари юбилейни ўтказиш бўйича қизиқарли тадбирлар ишлаб чиққан ва шу асосда амалий иш олиб боряпти. «Билим» жамияти аъзоларидан филология фанлари кандидати У. Бекбаулиев, тарих фанлари кандидати М. Тлеумуродов, фалсафа фанлари кандидати Ж. Бозорбоев, география фанлари кандидати Ж. Матмуродовлар турли мавзуларда лекция текстларини тайёрладилар.

* * *

Яқинда Қорақалпоғистон автоном республикаси юбилей комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тайёргарлик ишларининг бориши ҳақидаги масала муҳокама қилиниб, юбилей комиссиясининг раиси, Беруний шаҳар ижроия комитетининг раиси ўртоқ Р. Ражабовнинг ахбороти тингланди. Шунингдек, автоном республика министрликлари ва идораларининг ахборотлари тингланди.

* * *

Улуғ олимнинг ватани — Беруний шаҳрида шунингдек, Қорақалпоғистон автоном республикасининг бошқа шаҳар ва районларида, завод-фабрикаларда, колхоз-совхозларда, кутубхоналарда юбилей кўргазмалари ташкил этиляпти. Бу кўргазмаларда Берунийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ўз ифодасини топяпти.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЕШ ЙИЛЛИК ОДИМЛАРИ

ТРАКТОРСОЗЛАР ШИЖОАТИ

Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини муддатидан олдин бажариш учун ҳамда СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари билан қарши олиш йўлида ҳар қачонгидан кўра ғайрат ва шижоат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Бу сафда пойтахт тракторсозлари ҳам илдам бормоқдалар.

Корхонада шу кунларда йиллик топшириқни муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақа ўзининг юқори палласига кирди. Цехларда, участкаларда ишчиларнинг юксак меҳнат унуми учун бўлган интилиши яққол кўзга ташланади. Чунки тракторсозлар юбилей йилида ўз устларига юксак мажбуриятлар олишган. Чунончи, улар ўн икки ой учун мўлжалланган топшириқдан ташқари қўшимча равишда яна 20 та трактор тайёрлаб беришга аҳд қилишган.

Бундан ташқари машинасозлар 30 прицеп ишлаб беришни мўлжаллашган. Улар запас қисмлар ишлаб бериш бўйича ҳам мажбурият олишди. Коллектив қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига қўшимча равишда яна 2 минг сўмлик турли хилдаги запас қисмлар юборишга сўз беришган. Ишлаб чиқаришда юксак тежамкорликка эришиш йўлида ҳам яхши кўрсаткичларни қўлга киритиш учун бўлган мусобақа қизғин тус олиб кетган. Материалларни тежаб-тергаб ишлатиш йўли билан 80 тонна металлни иқтисод қилиш, 400 тонна ёқилғини, 1 миллион киловатт-соат электр қувватини исроф қилмай тежаб қолиш ҳам тракторсозларнинг бу йилги маррасига киради.

Мажбурият олиш осон, бироқ ҳамма гап уни бажаришда, ваъдага вафо қилишда. Буни тўла ҳис этган машинасозлар шу кунларда мусобақани кенг авж олдириб юбордилар.

Йиғув цехининг ишчилари бу соҳада намуна кўрсатиб ишламоқдалар. В. Бочковский, М. Шипов ва С. Фёдоровлар ўз ҳамкасбларига ҳар соҳада намуна бўлаётирлар. Коммунистик меҳнат зарбдорлари бўлган бу азаматлар смена ва ойлик топшириқларини ҳар доим бир ярим бараварга етказиб бажаришга эришмоқдалар.

Бу шижоаткор ишчиларнинг намунаси бошқаларни ҳам олға томон интилишга ундамоқда. Улар билан мусобақадош слесарь-йиғувчилар эса илғорлардан ортда қолмаслик учун баракали ва сифатли меҳнат қилишга интиляптилар. Р. Баитов, А. Сухоруков, К. Лунин сингари ишчилар ва бошқа юзлаб меҳнатсевар машинасозлар ўзларининг унумли ишлари билан коллектив ўртасида обрў ва эътибор топдилар.

Завод майдончасидаги яп-янги машиналар, прицеплар, далаларга йўл олаётган қанчадан-қанча тракторлар ана шу аҳил коллектив меҳнатининг мевасидир. Бу мева деҳқонга қанот, пахтакорга мадад, боғбон ва соҳибкорга беминнат дастёрдир.

Суратларда: смена топшириғини ҳар доим 130 процент ва ундан ошириб бажариб келаётган слесарь-йиғувчилар М. Шипов ва Р. Баитов ўртоқлар ҳамда корхонанинг тайёр маҳсулотлар майдонидаги машиналар тасвирланган.

А. АВАЗОВ фотолари.
ЎзТАГ фотохроникаси.

СИНОВ БАҲОСИ: «АЪЛО»

ГУЛИСТОН, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан) Райондаги «Ленинский путь» колхозининг бош мутахассисларидан иборат комиссия эрталаб трактор паркига борди. Устахона ҳовлисида қирқ учта чопиқ ва ҳайдов трактори, эллик тўрт борона, сеялкалар сафга тизиб қўйилган эди. Комиссия аъзолари ҳар бир машинани, ҳар бир муруватни синчковлик билан текшириб кўришди:

— Аъло ремонт қилибсизлар, раҳмат, — деди бош инженер.

«Аълочи ремонтчи»лардан Ш. Абдусаидов, И. Исроилов, М. Маматқулов, Т. Қосимов ўртоқларни колхоз правлениеси мукофотлар билан тақдирлади.

ҲАМ АТТЕСТАТ, ҲАМ ГУВОҲНОМА

ОҚОЛТИН, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Охирги дарсдан чиққан йигит-қизлар бутун синф билан совхоз устахонасига йўл олишди. Улар бу ерда трактор, пахта териш машинаси ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини бошқаришни ўрганишади, ремонтчиларга ёрдам беришади.

— Ўқувчилар, — деди йигит-қизларга техника сирларини ўргатаётган 18-совхознинг машҳур механизатори Адолат Ортиқова, — мактабни битираётганда ҳам етуклик аттестати, ҳам механизаторлик гувоҳномасини олишади.



СУҒОРИШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Янгиариқ районидаги «Москва» колхози суғориш шохобчаларини махсус лойиҳа асосида батамом қайта қуришга киришди. Колхозда бу ишни олиб бораётган «Хорезмводстрой» тресги жамики майдони 2600 гектардан иборат бўлган олтита алмашлаб экиш массивини вужудга келтиради. Бу массивларда далаларнинг ҳаммаси яхшилаб текисланади ва суғориладиган пайкаллар йириклаштирилади. Илгари дарёларнинг ирмоқлари ва кўллар эгаллаб ётган бир минг гектарга яқин ер ўзлаштирилади.

Суғориш участкаларининг ҳаммасида сув тақсимлашнинг автоматлаштирилган усулини жорий қилиш мўлжаллаб қўйилди. Шундай қилиб, суғориш сифати яхшиланади ва қимматли сувнинг нобуд бўлиши тугатилади. Суғориш шохобчаларини реконструкция қилиш натижасида далаларда меҳнат унумдорлиги анча кўпаяди ва пахтанинг ҳосилдорлиги ошади, деб кутилмоқда. (ЎзТАГ).

СИЗОТ СУВЛАРИ ПАХТА ДАЛАЛАРИГА

ТЕРМИЗ, (ЎзТАГ мухбири). Шу йил ёзда сурхон водийсида пахта далалари учун сизот сувлари берадиган 250 та қудуқ қазиш мўлжалланади. Ёз жазирамасида Сариосиё, Денов, Шўрчи ва Шеробод районларининг пахтазорлари қўшимча сув олади. Тошкент, Сирдарё областлари ва Қорақалпоғистоннинг механизациялашган кўчма колонналари — сурхондарёликларга ёрдамга келди. Дастлабки етмишта қудуқ насос монтаж қилишга тайёрлаб қўйилди. Қурувчилар СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига мусобақалашиб, ҳамма қудуқларни июлгача фойдаланишга топшириш мажбуриятини олдилар.

СЕРДАРОМАД СОҲА

Ҳисор тоғлари этагига жойлашган Яккабоғ районидаги «Коммунист» колхози аъзолари суғориладиган ерлардан унумли фойдаланиш мақсадида кейинги йилларда тамакичиликни ҳам ривожлантирмоқдалар. Ўтган йили 25 гектар ерга тамаки экилиб, гектаридан 20 центнердан ҳосил олинди. Айрим бригадаларда ҳосилдорлик 25 центнерга етди. Бу колхозга катта даромад келтирди. Колхозчилар бу йил тамакизорни 100 гектарга етказишга, ҳосилдорликни 20 центнердан оширишга аҳд қилдилар.

М. МУҲАММАДИЕВ.

МАМЕД САИД УРДУБОДИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

ИНҚИЛОБ КУЙЧИСИ

Бугун Озарбайжон совет адабиётининг намоёндаларидан бири шоир, драматург, ёзувчи ва публицист Мамед Саид Урдубодий туғилган куннинг 100 йиллиги кенг нишонланмоқда.

Мамед Саид Урдубодий 1872 йил 24 мартда Озарбайжоннинг Урдубодий қишлоғида туғилди. Отаси Ҳожиоға қишлоқ мактабида муаллимлик қилар, Озарбайжон классик адабиётини яхши билар эди. Урдубодий отадан жуда эрта ажралди. Катта оиланинг оғир-енгили унинг зиммасига тушди. Бошланғич саводни қишлоқ мактабида олган бўлғуси шоир бир неча йил тикувчилик фабрикасида ишлади. Сўнгра мадрасада ўқиди.

Урдубодий ана шу йиллари Озарбайжон адабиёти оламида анча машҳур М. Т. Сидқий ўз атрофига ёшларни, зиёлиларни тўплаб очган адабий мактабига қатнаша бошлади. Адабиётни англашида, маънавий камолотининг шаклланишида қишлоқ муаллимлари Н. Ж. Мамедқулизода ва А. Д. Шурбийларнинг таъсири каттадир. Ҳар хил тахаллуслар билан шеърлар ёзаётган, ўз устида тинмай изланаётган М. С. Урдубодий ўз асарларида демократик тенденциядаги революцион ғояларни илгари сурди. Чор чиновниклари унинг номини таъқиб қила бошладилар. Қарама-қаршиликка учраган шоир ўз Ватанидан узоқдаги Жульфа шаҳрига кетишга мажбур бўлди. Унинг бу шаҳарга бориши Эрон миллий-озодлик ҳаракатининг қатнашчилари инқилобчилар билан алоқа қилиш имконини берди.

Анча кўзга кўриниб қолган ёш шоир М. С. Урдубодийнинг «Ғафлат» (1906), «Ватан ва ҳуррият» (1907) тўпламлари нашр этилди. Бу асарлардан сўнг таъқибга учраган шоир подшо чиновниклари томонидан 1913 йил қамоққа олинди ва Озарбайжондан сургун қилинди. У тутқунлик йилларида Царицин, Астрахань, Шимолий Кавказ инқилобчилари билан яқин алоқада бўлди. Мамед Саид Урдубодий ижодининг бошланиши оғир йилларга тўғри келди. У асарларининг ғоявий йўналиши, услуби билан реалистик ёзувчиларга анча яқин бўлган мулланасриддинчилар мактабининг вакили сифатида кўзга ташланди. Унинг 1905 йил рус революцияси таъсирида ёзилган шеър ва драмаларида демократик ғоялар билан бирга консерватизм кўринишлари ҳам учраб туради. «Бахтсиз миллионер» (1914 йил) романида Жанубий Озарбайжон ва Эрондаги патриархал феодал муносабатларни танқид қилиб, бир оила инқирози мисолида фанатиклар дунёсини фош қилади. Роман қаҳрамонлари реалистик тип бўлмаса-да, автор илгари сурган ғоя учун хизмат қилади. Бу ҳол унинг кейинги айрим асарларида ҳам давом этди. Айниқса, «Диндорлар» (1922 йил) пьесаси мулланасриддинчилар илгари сурган ғояни ифодалайди. Асарда, онги фанатизм билан суғорилган кишилар бахт ҳақида қайғурмасалар ҳам бўлади, деган жўнгина ғоя мавжуд. Асарнинг бош қаҳрамони Ақиф бой феодал отасига қарши чиқади. У деҳқонларнинг тарафини олиб ўз авлодларининг удумига қарши борар экан, ана шу йўлда маънавий қурбон бўлади.

Улуғ Октябрь инқилобини мамнуният билан кутиб олган М. С. Урдубодий ўз асарларида умр бўйи ана шу илҳомбахш инқилобга бир неча бор мурожаат қилди. Ўнлаб йирик полотнолар битди. У 1918 йили коммунистик партия сафига кирди. 1920 йили эса XI Қизил Армия билан Бокуга келди. Ана шу йиллардан бошлаб унинг ижодида янги босқич бошланади. У янги жамиятнинг ғалабаларини баланд руҳ билан куйлади.

М. С. Урдубодийнинг дастлабки шеърларида айрим жиддий бадиий нуқсонлар бўлсада, бу асарлар актуаллиги, мазмун ва шакл бирлиги, ғоянинг қабариб туриши, социализмга ишонч кучи барқарорлигини сезиб олиш қийин эмас. Шоир ёш Озарбайжон республикасининг индустрлаштириш, коллективлаштириш ва улуғ беш йилликлар давридаги қадамларини илҳом билан куйлади.

1929 йил М. С. Урдубодий тарихий мавзудаги «Туманли Табриз» романини ёзишга киришди. Муҳим тарихий воқеаларга бағишланган бу асар, замонавийлиги, партиявийлиги, бадиий, мукаммаллиги билан ажралиб туради. Роман 1905—1917 йилларда Эрон, айниқса Жанубий Озарбайжондаги революцион ҳаракатни бадиий акс эттирган.

Боку пролетариати, революцион ҳаракатнинг вужудга келиши, Боку коммунасининг ташкил топиши Бутунроссия ишчилар ҳаракати тарихига шонли саҳифалар ёзди. Ана шу мавзуда йирик асарлар ёзган ёзувчилардан бири М. С. Урдубодийдир. Унинг «Бокудаги яширин иш», «Курашаётган шаҳар», «Жаҳон ўзгаради» трилогияси Озарбайжон совет адабиётида катта воқеа бўлди. Трилогиянинг биринчи асари 1895—1905 йилларни ўз ичига олган бўлиб, иқтисодий кризиснинг жаҳон бўйлаб ёйилиши, ҳар куни бўлиб турган намойишларнинг тўлқинлари, революцион чиқишлар асар мазмунига сингиб кетган. Нефть шаҳри ишчилари онгининг шаклланиши Асқар, Мамед, Жени, Павлуша, Васий, Айрапед образлари орқали ўз бадиий ифодасини топган.

Трилогиянинг иккинчи ва учинчи китобларида Озарбайжонни сотиб юборишга аҳд қилган савдогарлар, бойларга қарши кураш, революцион ҳаракат, Боку коммунасининг ғалабаси акс эттирилган. Бу асарларда тарихий шахслар С. Шаумян, М. Азизбеков, А. Жапаридзе, И. Фиолитев, С. М. Киров образлари ҳам кенг ўрин олган.

Озарбайжон халқининг севимли классик шоири Низомий туғилган куннинг 800 йиллиги муносабати билан М. С. Урдубодий «Қилич ва қалам» романини ёзди. Унда Озарбайжоннинг XII аср ҳаёти, Низомий ва унинг замондошлари образлари гавдалантирилган. Ёзувчи тарихий фактларга эркин ёндошади. Низомийнинг сиёсий ижтимоий, фалсафий ва диний қарашларини «Хамса» асари билан узвий боғлиқликда кўрсатади.

М. С. Урдубодий моҳир таржимон сифатида ҳам Озарбайжон совет адабиётида ўз ўрнига эга. У А. С. Пушкиннинг «Боғчасарой фонтани», «Борис Годунов», Д. Беднийнинг «Зайнетнинг қасами», Акоп Акопяннинг «Баҳор эртаси» асарларини маҳорат билан таржима қилди.

Партия ва ҳукуматимиз унинг халқ олдидаги хизматларини муносиб тақдирлади. У Ленин ордени, «Ҳурмат белгиси» ордени ва бир қанча медаллар билан тақдирланди. М. С. Урдубодий Озарбайжон ССР Олий Советининг депутати эди.

М. С. Урдубодий инқилобнинг бадиий солномасини яратган адиб сифатида Озарбайжон совет адабиётига улкан ҳисса қўшган истеъдодли ёзувчидир.

Ғ. ҒАФУРОВ.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

ТАҚРИЗ

МИЛЛИЙ СИЁСАТ ТАНТАНАСИ ҲАҚИДА ҚИММАТЛИ АСАР

Ўрта Осиё халқлари ленинчи Коммунистик партия раҳбарлигида, улуғ рус халқи ва мамлакатимиздаги бошқа қардош халқларнинг беғараз ёрдами туфайли Совет ҳокимияти йилларида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳада мислсиз ютуқларга эришиб, қолоқликдан тараққиётга юзландилар, феодализмдан социализмга ўтдилар ва эндиликда барча совет халқлари билан биргаликда муваффақият билан коммунистик жамият қурмоқдалар. Ленинча миллий сиёсатни ва коммунистик қурилиш вазифаларини амалга оширишда Ўрта Осиё халқлари эришган ютуқларни умумлаштириш илмий ва амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам тарихчилар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар ҳамда ижтимоий фанларнинг бошқа вакиллари мазкур масалани ўрганиш юзасидан катта ишлар қилдилар. Шундай бўлса-да Коммунистик партиянинг Туркистонда социалистик қурилиш даврида ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги фаолияти янада чуқурроқ ва атрофлича ўрганишни талаб қилади. Мазкур проблемани ўрганишга Ҳ. Т. Турсуновнинг яқинда нашрдан чиққан янги асари1) муносиб ҳисса бўлди.

Асарга марксизм-ленинизм классикларининг, хусусан В. И. Лениннинг асарлари, партия съездлари, КПСС Марказий Комитети конференциялари қарорлари, шунингдек Туркистон Коммунистик партиясининг ҳужжатлари ва материаллари назарий ва методологик асос қилиб олинган. Муаллиф Москва ва Тошкент архивларининг қимматли ҳужжатлари ва материалларидан фойдаланган. Бу материалларнинг ва ҳужжатларнинг кўп қисми илмий оборотга биринчи бор киритилди. Шунингдек, Ўрта Осиё халқлари тилларида нашр этилган ва араб ҳарфларида нашр этилган матбуот органларининг материалларидан ҳам кенг фойдаланилган.

Ҳ. Турсунов бу асарида партиянинг миллий масала бўйича ленинча назария ва программасини атрофлича баён қилган. Мазкур назария ва программа эса партиямизнинг пролетар интернационализми принциплари тантанаси учун ва коммунизм қуриш учун курашида ҳаракатга қўлланма бўлиб хизмат қилди. «Лениннинг улуғвор хизмати шундаки, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида, — **у миллий масалани социалистик тарзда ҳал қилиш программасини ишлаб чиқди. Бу программа амалга оширилди. Ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси, ижтимоий ҳаётнинг энг ўткир, энг қийин масалаларидан бири бўлган миллий масаланинг Совет Иттифоқида ҳал қилинганлиги — жуда катта аҳамиятга эга бўлган иш бўлиб, инсониятнинг социал ривожида катта қадамдир».**

Китобда тегишли адабиётларга тарихий обзор берилиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари батафсил баён қилинган, улуғ октябрдан илгариги Туркистондаги социал-иқтисодий ва сиёсий аҳвол таҳлилига катта эътибор берилган.

Ҳужжатларни умумлаштириш асосида чоризм ва вақтли ҳукуматнинг мустамлакачилик, реакцион сиёсати яққол кўрсатиб берилган. Миллий буржуазиянинг ва Туркистондаги барча оппортунистларнинг миллий масалада сотқинлик роли ҳам аниқ далиллар билан баён қилинган.

В. И. Ленин бошчилигида большевиклар партиясигина октябрдан олдинги даврда миллий масала бўйича аниқ программага эга бўлиб, Ўрта Осиё халқларининг социал ва миллий озодлик учун актив курашганлиги ҳақидаги чуқур илмий таҳлил айниқса диққатга сазовордир.

Асарда ўлкада большевиклар партияси олиб борган ишлар, Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг ривожланиб Россиядаги ишчилар синфи ҳаракати билан қўшилиб кетганлиги умумлаштириб баён этилган. Ўлкадаги турли миллат халқлари тақдирида тубли ва буюк ўзгариш ясаган Октябрь революциясидан кейин совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги тадбирлари батафсил баён қилинган.

Ўлкада феодализм ва мустамлакачилик қолдиқларини тугатиш, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш, уларни интернационализм руҳида тарбиялаш, социалистик қурилишга кенг жалб қилишда В. И. Ленин, РКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг катта ёрдами батафсил баён қилинган. Туркистон АССР тузилишида большевиклар партиясининг фаолиятига бағишланган боб ҳам қизиқиб ўқилади.

Шуниси диққатга сазоворки, автор совет ҳокимияти йилларида ўлкада социалистик миллатларнинг шаклланиш процессида таркиб топган янги миллий муносабатларнинг хусусиятларини чуқур таҳлил асосида очиб берган. Бунда Туркистонда социалистик қурилишнинг умумий қонуниятлари баён этилибгина қолмай, унинг ўзига хос хусусиятлари ҳам яққол акс этган.

Батафсил ёритилган масалалардан яна бири халқ хўжалигини тиклаш даврида миллий масалани ҳал қилишда В. И. Лениннинг, РКП(б) Марказий Комитети, РКП(б) Марказий Комитети Туркистон бюроси ва Ўрта Осиё бюросининг раҳбарлигидир. Муаллиф миллий масаланинг ҳал қилинишини объектив таҳлил қилар экан, бу борада эришилган ютуқлар билан бир қаторда юз берган камчиликларни ва уларни тугатиш учун большевиклар партияси олиб борган курашни ҳам кўрсатган.

Буюк давлатчилик шовинизмига, маҳаллий миллатчилик ва ҳар хил ниқобдаги оппортунистларга қарши, халқ оммасини пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш учун Туркистон Коммунистлар партияси олиб борган кураш тегишли факт ва далиллар ёрдамида очиб берилган. Коммунистик партиянинг миллий-давлат чегараланиши ва Ўрта Осиёда янги социалистик республикалар барпо этилиши давридаги фаолияти ҳам яхши ёритилган.

Китобнинг янада мазмундор бўлиши учун баъзи фикрлар билдирмоқчимиз. Маълумки, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих институти 1966 йил сентябрида Ўрта Осиё республикалари олимлари билан биргаликда жадидлар ҳаракати характери тўғрисида кенгаш ўтказган ва мазкур кенгашнинг нуқтаи назари «Ўзбекистон ССР тарихи»нинг II томида баён этилган эди. Автор ана шу кенгаш якунларига ўз муносабатини билдирса мақбул бўлур эди. Шунингдек, мазкур темага оид чиқарилган китобларга қисқача тўхтаб ўтиб, миллий масала бўйича буржуа сохталаштирувчиларини танқидга кўпроқ ўрин берилса фойдадан холи бўлмайди. Китобнинг хулоса қисми сўнгги параграф билан қўшилиб кетган. Уларни алоҳида-алоҳида ёритган мақбул. Ўлкада юз берган муҳим воқеалар ҳамда атоқли партия ва давлат арбобларининг суратлари берилса китоб мазмуни яна бойиган бўлурди. Бу мулоҳазалар китобнинг ўзбекча нашрида эътиборга олинади деб умид қиламиз.

«Ўзбекистон» нашриёти «Коммунистик партиянинг Туркистондаги миллий сиёсати» китобини чиқариб, СССР ташкил этилган куннинг 50 йиллик тўйи арафасида китобхонларга катта совға қилди.

Р. АМИНОВА,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор.

Қ. ҲАСАНОВ,
доцент.

1. Ҳ. Турсунов «Коммунистик партиянинг Туркистондаги миллий сиёсати» (рус тилида), «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент. 1971 йил.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ОМБОРМИ, ҲАММОМ?»

Газетамизнинг шу йил 1 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Булунғур район Янги қурилиш қишлоғидаги «ажаб савдолар» ҳақида ёзилган эди. Қурувчилар 1968 йилда уюшқоқлик билан иш бошлаган эдилар. Ҳаммом қурилиши ўша йилиёқ тугалланди. Шунга қарамай, 2-«Булунғур» совхози раҳбарлари уни ишга туширишга шошилишмади. Бу бино икки йилдан бери совхозда ҳаммом деб юритиляпти-ю, лекин аҳоли у ҳаммомми ёки оморми эканлигини билолмай юрибди.

Район ижроия комитети мақола юзасидан қуйидагиларни маълум қилди: ҳақиқатан ҳам жиҳозбоп материаллар топилмаганлиги сабабли ҳаммом қурилиши вақтинча тўхтатиб қўйилган. Мақолани совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти муҳокама қилиб, ҳаммомни яқин кунларда ишга тушириш чораларини белгилади.

«ЎЗБОШИМЧА КАССИР»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 15 февраль сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада Ғиждувон автовокзалидаги кассир йўловчиларга қўпол муомала қилаётгани ҳақида ёзилган эди.

Ғиждувон район автобус-таксомотор парки директорининг редакцияга хабар қилишича, мақолада келтирилган факт тасдиқланган. Мақола коллектив ўртасида муҳокама қилинган. Кассир Қиём Ғофуровга йўловчиларга қўполлик қилгани учун виговор берилган.

ЙЎЛОВЧИЛАР МАСЪУЛИЯТИ

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

Кўчаларимизда бирор фалокат юз берса, биз йўловчилар асосан автобус, трамвай, троллейбус ҳайдовчиларини айблаймиз. Ҳолбуки, транспорт-йўл ҳодисаларига кўпинча йўловчиларнинг беларволиги, ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслиги сабаб бўлади.

Тошкент шаҳар кўчаларидаги автобус ёки трамвай бекатларига борганингизда бир назар ташланг. Йўловчилар транспортга чиқиш ва тушиш қоидаларига мутлақо риоя қилмайдилар. Орқа эшикдан ҳам, олдинги эшикдан ҳам ёпирилиб чиқаверадилар. Бунинг устига транспортга навбат билан чиқиш каби яхши одатлар унутилиб юборилмоқда.

Кези келганда шуни ҳам айтайликки, транспорт хизматини ташкил этишдаги камчиликлар, назоратчиларнинг йўқлиги, милиция ва автоинспекция ходимларининг йўловчилар ўртасида етарли иш олиб бормасликлари оқибатида йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмайдиганлар сони кўпайиб кетмоқда. Масалан, автобус ва трамвайлардаги контролёрлар транспортга чиқиш ва тушиш қоидаларига риоя қилинишини текшириш билан мутлақо шуғулланмайдилар, аксинча, улар абонемент билетларини сотиш билангина овора бўладилар.

Бизнингча, халқ дружиналарининг транспорт ҳаракати билан шуғулланувчи махсус отрядларини ҳам тузиш керак. Улар кўча ҳаракати қоидаларини бузувчиларни қаттиқ огоҳлантириб турсалар, кўчаларимиз, йўлларимиз хавфсиз бўлур эди.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети, трамвай ва троллейбус бошқармаси, пассажирлар ташиш шаҳар автотрести раҳбарлари транспорт контролёрлари ишини яхши йўлга қўйиш тўғрисида ҳам пухтароқ ўйлашлари керак.

Низом ОМОНОВ,
шахсий пенсионер.

АХБОРОТ

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ЁШЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Бойсун район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими Совет Армияси сафига чақирилувчи ёшларга ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини беришни янада яхшилаш мақсадида махсус университет ташкил қилди. Университет машғулоти ҳар ойда бир марта ўтказилади. Ёшлар Совет Армияси ҳаётига доир ҳарбий-ватанпарварлик, халқлар дўстлиги, пролетар интернационализми тарбияси масаласи юзасидан доклад ва лекциялар тинглайдилар.

Н. МУРОДОВ.

БОЙСУН ЖИЛОСИ

Район маҳаллий саноат комбинатида тайёрланаётган Бойсун дўпписи ва сўзаналар ўзининг нафис-бежиримлиги билан Сурхон воҳасида шуҳрат топаётир. Бойсун ҳунармандлари ҳар ойда 50-60 минг сўмлик дўппи, сўзана, беқасам, кулолчилик ҳамда мебель буюмларини харидорларга етказиб бермоқдалар. Комбинат ҳузурида атлас тўқийдиган цех ҳам ишга туширилди.

С. ЯДИКОВ.

* * *

Редакциямизга сирдарёлик А. БУРЛИЕВ, А. БОЯХОНОВ, А. АМИНОВ, тошкентлик Р. БЕГМАТОВ, В. МОИСЕЕВ, самарқандлик Т. ЧУЛИЕВ, наманганлик Ф. ЙУЛЧИЕВ, хоразмлик Қ. ИБРОҲИМОВ, қашқадарёлик Э. БЕРДИЕРОЗ, А. ОЧИЛОВ, фарғоналик А. РУЗИМАТОВ, М. РАҲМАТОВ, М. ҲАЙДАРОВ ўртоқлар ҳам шундай хабарлар йўллашган.

«ДИНАМО» — ЯРИМ ФИНАЛДА

ФУТБОЛ

Пойтахт динамочилари кураши давом эттирадиган бўлишди. Москваликлар Европа соврини — кубок эгалари кубоги учун беллашувнинг ярим финалига чиқишди.

... Ўтган чоршанба оқшомида миллионлаб мухлислар бунинг шоҳиди бўлишди. Серқуёш ўлкамиз пойтахтида ўтказилган халқаро учрашув «Интервидение» орқали олиб кўрсатилди. Янги мавсум — чемпионат бошланиши олдидан катта футбол Тошкентга ташриф буюрди. Стадион бўйлаб яна бир бор ҳайқириқ ва олқишлар янгради. Ашаддий ишқибозлар ён дафтари қизғин футбол «жанги» тафсилотлари билан бойиди.

«Пахтакор» стадиони йилдан-йилга катта футбол ҳамда ҳал қилувчи ўйинлар майдонига айланиб бормоқда.

— «Црвена звезда»нинг Совет Иттифоқида биринчи марта меҳмон бўлиши. Афсуски, командамиз асосий составда ўйин кўрсатолмайди. Ишонганимиз, ҳаммага таниш ҳужумчимиз Жаич майдонга тушмайди. Ҳозирча врачлар рухсат беришмаяпти. Бироқ ўйин вақтида тасодифлар бўлиб туради. Умидимиз ёшлардан. Ҳар қалай ўйин ҳужумкорлик билан ўтар, — «Оқ қизиллар» командаси (Югославияда шундай дейишади) тренери Мильян Мильяничнинг ўйин олдидан айтган бу гаплари динамочиларга ҳам ҳамоҳанг бўлиб тушди. Бир кун бурун Европа футбол федерациясидан мактуб келди. Унда динамочи Сабони бир ўйинга қўймасликка қарор қилингани ҳақида хабар берилганди. Сабо кубок эгалари кубоги ўйинлари вақтида икки маротаба огоҳлантириш олганди.

Учрашув олдидан тошкентликлар меҳмондўстлик билан судья ва команда капитанига тўн ва дўппи кийгизишди. Шундан кейин жимлик чўкади. 50 минг томошабин нигоҳи майдонда. Ҳуштак чалинди. Аввалига тўпни меҳмонлар суриб кетишди. Дастлаб бурчакдан тўп тепишни Еврюжихин ижро этди. Шундан кейин ташаббус дам у, дам бу томонга ўтиб турди. Лекин мезбонлар ҳам, белградликлар ҳам ҳисобни очиш мумкин бўлган қулай имкониятларни бой беришди.

Танаффусдан кейин ўйин кескинлашди. «Қизил юлдузлар» ҳужумга куч бердилар. 53-минутда динамочилардан бири тўпни боши билан қайтараман деб, ярим ҳимоячи Кривокуча оёғига тушириб қўя қолди. Белградлик бу йигитнинг чаққонлигидан дарвозабонимиз Пильгуй ҳам догда қолди. Ҳисоб 0:1.

Ўйинни кузатарканмиз, «Црвена» ҳужумчиси Иован Ачимовичнинг мухбирларга айтган гапи ёдга келди: «Бизга 2:0 ҳисобли ғалаба кифоя. Ўйлаймизки, бунга йигитларимизнинг қурби етади». Лекин ўйинчиларимиз ҳисоб очилгандан кейин ўзларини ўнглаб олишди. Ҳужумни уюшқоқлик билан бошлаб меҳмонлар дарвозасини нишонга олдилар. 75 минутда Маховиков чап қанот ҳимоячисини «алдаб» ўтиб, тўпни тепади. Дарвозабон Дуйкович тўпни ушлолмай, уриб юборди. Яқинида турган Кожемякин эса осонгина тўрни силкитиб қўя қолди. Белграддаги биринчи учрашувда Кожемякин ҳисобни очганди, бу сафар тенглаштирди. Кейинги ҳаракатлар ҳар икки томон учун зое кетди.

Шундай қилиб москвалик динамочилар Тошкентда ўтказилган катта футбол ўйинида Европа соврини — кубок эгалари кубоги учун курашда совет командаларидан биринчи бўлиб ярим финалга чиқишди. «Динамо» командаси бошлиғи Л. Яшин ҳам: «Динамочиларнинг бу ғалабаси икки ўйин ҳисобида (2:1, 1:1) ажойиб муваффақият» деб айтди.

Ҳ. НОСИРОВ.

Илҳом келганда. А. Тўраев фотоэтюди.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ **ЛОНДОН.** Англия ташқи ишлар министри Дуглас-Хьюм визит билан Исроилга келди. У Исроил бош министри Меир ва ташқи ишлар министри Эбан билан музокаралар олиб боради. Дуглас—Хьюм Англияда Исроил учун учта сув ости кемаси қурилиши мўлжалланаяптими, шунингдек Англияда ишлаб чиқарилаётган бошқа хил қуроллар Тель-Авивга етказиб бериладими, деган саволга жавоб беришдан бош тортди.

◆ **БЕРЛИН.** Лейпцигда традицион халқаро баҳорги ярмарка ёпилди. Бу ярмаркада жаҳондаги 60 мамлакатнинг 9225 фирмаси ва корхонаси қатнашди. 92 мамлакатдан келган меҳмонлар ярмарка павильонларида бўлди.

20 мамлакатнинг сифати ва илмий-техникавий даражаси юксак бўлган экспонатлари учун Лейпциг ярмаркасининг 150 олтин медали берилди.

◆ **БЕРЛИН.** Берлинда Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Румыния, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва Югославиядаги 15 фалсафий ва социологик журналлар бош редакторлари ва масъул ходимларининг кенгаши очилди. Кенгаш империалистик идеологияга қарши курашни кучайтиришнинг актуал назарий масалаларини муҳокама қилишга бағишланди.

◆ **ДЕҲЛИ.** Бу ерда имзоланган битимга мувофиқ Совет Иттифоқи Ҳиндистонга шу йилнинг охирига қадар қарийб 500 минг тонна керосин етказиб беради.

ЖАЗОИР, 22. Тизиузу шаҳрида СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллигига бағишланган совет фильмлари ҳафталиги муваффақият билан бошланди. Жазоирлик томошабинлар «Чапаев», «Ёш гвардия», «Она садоқати» кинофильмлари билан танишадилар.

Ж. ГОЛЛАН — ВЕНГРИЯ МЕҲМОНИ

БУДАПЕШТ, 22 март. (ТАСС). Буюк Британия Коммунистик партиясининг Бош секретари Ж. Голлан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг таклифига биноан 16 мартдан 20 мартга қадар Венгрияда меҳмон бўлди.

МТИ агентлигининг хабарида айтилишича, Ж. Голлан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар билан музокаралар олиб борган. Музокаралар чоғида улар актуал халқаро масалалар, коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг проблемалари устида, шунингдек антиимпериалистик кураш тўғрисида фикрлашиб олганлар.

ИККИ ЙЎЛ — ИККИ ҲАЁТ

Гаитида аҳоли жон бошига бир йиллик даромад борйўғи 50 америка долларига тўғри келади. Бу рақам Кариб ҳавзасидаги мамлакатларда, қолаверса бутун Лотин Америкаси мамлакатларида энг паст даражадир. Мактаб ёшидаги ва мактабгача бўлган ёшдаги болаларнинг 80 проценти тўйиб овқат емасликдан азоб чекмоқда. Макгроу Хиллнинг НьюЙоркда нашр этилган «Гаити тўғрисида ҳақиқат» деган китобида шундай фактлар келтирилади: ҳар минг гаитилик боланинг 240 таси бир ёшга етмасданоқ ҳалок бўлмоқда. Оддий гаитиликларнинг ўртача ёши эса 32 дан ошмайди. Бу мамлакатнинг ҳукмрон доиралари мамлакатни бошқариш қобилиятига эга эмаслар. Шу боисдан ҳам Гаити ер юзидаги энг камбағал давлатлардан бирига айланиб қолди.

Гаитидаги қашшоқлик чет элликларнинг иқтисодий ва сиёсий тазйиқи туфайли юз бермоқда. Бу мамлакат аҳолисининг 85 проценти қишлоқ хўжалигида банд. Лекин улардан атиги 10 процентидагина ер участкалари бор холос. Ишланадиган ва ҳосилдор ерларнинг асосий қисми бир ҳовуч бойларнинг ва Америка корпорацияларининг ихтиёридадир.

Куба республикаси Гаитидан атиги 46 чақиримча нарида жойлашган. Лекин Кубага бориб қолгудек бўлсангиз ўзингизни бутунлай бошқа бир дунёга тушгандай ҳис қиласиз. Бу давлат аянчли ўтмишини тугатиб, социализм йўлидан дадил олға бормоқда. Кубада улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги қайтадан қурилмоқда. Кубанинг революцион ҳукумати 1960 йилдаёқ бу ердаги Американинг мол-мулкларини миллийлаштириб давлат экономикасидаги Қўшма Штатларнинг ҳукмронлигига чек қўйди. Қишлоқ хўжалигидаги қолоқ ярим феодал система бутунлай тугатилди, минг гектардан зиёд ер уни ишловчи деҳқонларга бўлиб берилди. Шакар саноати қайтадан тузилди. Шакар ишлаб чиқарувчи айрим хўжаликлар индустриал комплексларга айлантирилди. Натижада Куба шакар тайёрлаш ва уни сотишдан катта фойда олаолиган бўлди. Чорвачиликни ривожлантиришда, айниқса халқ маорифи соҳасида ҳам Кубада Латин Америкасидаги бошқа мамлакатларга нисбатан жуда олға силжиш рўй берди.

Чедди ЖАГАН,
Халқ прогрессив партиясининг раҳбари.

АНЖЕЛА ОЗОД ҚИЛИНСИН

БЕРЛИН, 21 март. (ТАСС). Мард коммунист А. Дэвис «Нойес Дойчланд» газетасининг махсус мухбири К. Штейнигер билан Сан-Хоседа қилган суҳбатида: «Ирқчилар ва антикоммунистлар фитнасини барбод қилиш зарур, чунки бу фитна АҚШда Коммунистик партияга, бутун демократик ҳаракатга зарба бериш учун қилинмоқда», — деди.

АҚШ Коммунистик партиясининг миллий раиси Г. Уинстон «Нойес Дойчланд» газетасининг мухбири билан суҳбатда, Америкадаги яхши хислатларнинг ҳаммасини ўзида мужассамлаштирган А. Дэвисни қутқариб қолиш учун олиб борилаётган курашнинг ҳал қилувчи даври бошланганлигини уқтириб ўтди.

Америка коммунистлари, деди Г. Уинстон, ўзларининг сафларида А. Дэвис бўлганлиги билан ғоят фахрланмоқдалар, улар Анжеланинг ҳаётини қутқазиб қолмоқ учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўрадилар.

КАМСИТИЛИШГА ҚАРШИ

НЬЮ-ЙОРК, 22 март. (ТАСС). СССРнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Я. А. Малик Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари Вальдхаймга йўллаган мактубида қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини чақириш масаласида Бош Ассамблея чиқарган резолюция билан Бош секретарнинг мактубини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг секретариати шу вақтгача барча мамлакатларга юбормаганлигига Вальдхаймнинг эътиборини жалб қилди. Шу резолюцияда, жумладан, қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини ўтказишга тааллуқли масалалар устида ўз мулоҳазаларини Бош секретарга хабар қилиш барча давлатлардан илтимос қилинган эди.

Маълум бўлишича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг резолюцияси билан бирга Бош секретарнинг мактуби юборилмай қолганлигининг сабаби шуки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти секретариатининг баъзи масъул ходимлари бу материалларни фақат Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган давлатларга ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг аъзоларига юбориш билангина чекланиб қолишга уринмоқдалар. Бундай йўл тутиш қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференцияси барча давлатлар учун очиқ эканлиги уқтириб ўтилган Бош Ассамблея резолюциясининг мазмунини ва моҳиятини бузиш демакдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлмаган давлатларга нисбатан очиқдан-очиқ мана шундай камситиш йўлини тутиш билан қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини тайёрлашда қатнашишдан халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш ва қуролсизланиш учун курашда муҳим роль ўйнаётган бир қанча мамлакатларни четлаштиришга уринмоқдалар. Германия Демократик Республикаси, Вьетнам Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Бангладеш Халқ Республикаси шундай мамлакатлар жумласига киради. Бу давлатлар камситилаётганлиги муҳим халқаро проблемаларни ҳал этишга жиддий зарар етказган бўлур эди, чунки қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференцияси мана шундай халқаро проблемаларни ҳал этмоқ учун чақирилиши лозим.

Я. А. Малик қуролсизланишга бағишланган жаҳон конференциясини чақириш тўғрисидаги резолюция билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг мактуби ҳеч бир истиснога ва ҳар қандай камситилишга йўл қўйилмай жаҳоннинг барча давлатларига юборилади, деб умид билдирди.

БИРДАМЛИК

ХАНОЙ. Жанубий Вьетнам ватанпарварлари озод қилинган районларнинг бирида Камбоджа миллий бирлик фронти ва Камбоджа халқ миллий озодлик қуролли кучлари ташкил этилган куннинг 2 йиллиги шарафига митинг ўтказдилар. Митингда Жанубий Вьетнам Республикаси муваққат революцион ҳукуматининг раиси Хюинь Тан Фат ҳозир бўлди. Митинг қатнашчилари Жанубий Вьетнам халқи номидан Кхмер ватанпарварларига қардошларча бирдамлик изҳор қилдилар ва уларнинг америкалик агрессорлар ҳамда уларнинг гумашталарига қарши курашини қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

(ТАСС).

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Вьетнам халқ армиясининг зенитчилари АҚШ бомбардимончи самолётларининг ҳужумини матонат билан қайтармоқдалар. Суратда: зенитчилар ўт очиш позициясида.

В. Соболев фотоси. (ТАСС).

СЕНАТОРНИНГ ТАЛАБИ

ВАШИНГТОН. Сенатдаги демократик кўпчиликнинг раҳбари М. Мэнсфилд АҚШ ҳукуматидан Американинг барча қўшинлари Шарқи-Жанубий Осиёдан олиб чиқиб кетиладиган вақтни аниқ белгилаб қўйишни яна бир марта талаб қилди. У сенатда сўзлаган нутқида Ҳинди-Хитойда қон тўкиш давом этаётганлигини, бу қонли урушда қурбон бўлаётган америкаликлар, вьетнамликлар, камбоджаликлар кўпайиб бораётганлигини кўрсатиб ўтди. Сенатор ҳукуматни Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига қарши ҳаво урушини кенгайтираётганлиги учун танқид қилди. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

24 МАРТДАН 2 АПРЕЛГАЧА НАМОЙИШ ҚИЛАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

КУНДУЗИ	КЕЧҚУРУН
24/III да ЎЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК,	СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
25/III да ЕРИЛ ТОШ,	КНЯЗЬ ИГОРЬ.
26/III да ЭТИК КИЙГАН МУШУК,	ТАНАВОР.
27/III да ДОКТОР АЙБОЛИТ,	ТРАВИАТА.
28/III да СЕМУРГ,	РИГОЛЕТТО.
29/III да БОҒЧАСАРОЙ ФОНТАНИ,	ЧИО-ЧИО-САН.
30/III да ЎЛИК МАЛИКА ВА ЕТТИ БАҲОДИР ҲАҚИДА ЭРТАК,	СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ.
31/III да КНЯЗЬ ИГОРЬ,	ОҚҚУШ КЎЛИ.

Спектакллар кундуз соат 12 ва кеч соат 7 да бошланади.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 — Тонгги концерт, 8.25 — Классик куйлардан концерт, 9.30 — Давримиз қўшиқлари, 9.50 — Халқаро обзор (тожикча), 10.10 — Ўзбек балетларидан парчалар, 11.15 — Коммунистнинг шахсий намунаси (русча), 11.30 — Бахт ҳақида куйлаймиз, 12.15 — Дўстлик мадҳияси, 13.30 — С. Рахманинов асарларидан концерт, 16.10 — Ёшлар учун музикали соат, 16.50 — «Правда» газетасининг обзори, 17.00 — Музикали адабий композиция, 18.00 — И. Ғозиева «Она қувончи», 18.10 — Ўзбекистон давлат филармонияси хор капелласининг концерти, 19.20 — С. Эрежепова куйлайди (татарча), 20.00 — «Индустрлашган Ўзбекистон» 21.00 — Қардош коммунистик партияларда, 21.10— Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт, 22.30 — «Холисхон» музикали драмасининг монтажи, 24.00 — Музикали программа.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.35 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар, 10.10 — **Дадам капитан** (бадиий фильм), 11.25 — Севимли саройимиз, 12.25 — МОСКВА. Янгиликлар 12.40 — Ёшлар ижоди, 13.30 — Мультфильм, 14.00 — **Тўрт танкчи ва ит** (бадиий фильмнинг 18- 19-сериялари), 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Мультфильм, 18.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 18.50 — Шеърият мухлисларига, 19.05 — Ахборот, 19.20 — «Нозпеъмат бунёдкори», 20.00 — МОСКВА. 20.20 — ТОШКЕНТ. Қардош халқлар адабиёти. **М. С. Урдубодий** (ижодий портрети) ,20.40 —Ахборот. 22.00 — «Вақт»; 22.30 — **Уғил бола гап** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари, 17.20 — МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Спортлото. 20.20 — МОСКВА. **Таможня тинтуви** (бадиий фильмнинг 7 -8- 9-сериялари), 21.40 — Фильм-балет, 22.00 — ТОШКЕНТ.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Тўлқинда — 02. 20.30 — **Том Сойернинг саргузаштлари** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/III да **Улик малика ва етти баҳодир ҳақида эртак** (кундузи соат 12 да), **Севилья сартароши** (кеч соат 7 да), 25/III да **Ерил тош** (кундузи), **Князь Игорь** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/III да **Парвоз**, 25/III да **Йўлчи юлдуз** (кундуз соат 12 да), **Ажал минораси** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 24/III да **Ёшликда берган кўнгил** 25/III да **Лақма** (кундуз соат 12 ва кеч 7 яримда), 26/III да **Ҳалима** (кундуз соат 1 ва кеч 7 ярмида).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **АЛЬБИНА ЗОТОВА** раҳбарлигидаги **«АФСОНАВИЙ УЛКА»** иллюзион аттракционининг гастроллари (кеч 7 ярмида; шанба кунлари; кундуз соат 3 ва кеч 7 ярмида; якшанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 ярмида).

КИНО

Рустам ҳақида достон — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли, «КЎКЧА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11 ярим ва кеч 8.45 минутда).

Биз — вундеркиндлармиз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Халоскорлик — «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2.45 минут ва кеч 6 да).

Оқар сувлар — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Журъат — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Садоқат — «Комсомол 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ёшлар — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

«ЎЗГЛАВВОДСТРОЙ»НИНГ РЕСПУБЛИКА «СПЕЦМОНТАЖВОДСТРОЙ» ТРЕСТИГА

Туя-Мўйин гидроузели ва Аму-Бухоро каналининг 2-навбати қурилишида ишлаш учун 5, 6-разрядли газ-электр пайвандчилар, гидромонтажчилар, сантехниклар (иш ҳақи — ишбай); **сантехник, электрик, гидротехник инженерлар** (мастерлар, иш бошқарувчилар, участка бошлиқлари лавозимларида ишлаш учун)

КЕРАК

Асосий иш ҳақидан ташқари 25—40 процент ҳажмида район коэффициенти тўланади.

Ишчилар турар-жой билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Ўрта-Чирчиқ районы, Бектемир посёлкаси, Високовольтний кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 31-39-02, 91-59-32, 91-35-13, 91-39-15.

Туя-Мўйин гидроузели қурилиши объектининг адреси: Хоразм область, Ҳазорасп району, Питняк посёлкаси, 6-кўчма механизациялашган колонна;

Аму-Бухоро канали қурилиши объектининг адреси — Бухоро область, Коган райони, Калинин номли колхоз, 4-кўчма механизациялашган колонна.

ВНИИХИМпроектнинг пластмасс бўлимига

(Чош-Тепа кўчаси, 275-уй)

прессформалар бўйича конструкторлар, 5-6 разрядли фрезерчилар, прессформалар бўйича 5-6 разрядли слесарлар

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — аҳолини ишга жойлаштириш ва информация қилиш бюроси ҳамда Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг президиуми, ижтимоий фанлар бўлимлари, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти атоқли олим, йирик навоийшунос, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори

Порсо ШАМСИЕВнинг

узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети коллективи телевидение редактори Ю. Сайдалиевга ҳамда радио режиссёри С. Юнусхўжаевга онаси

Ойтўрабиби ШАРАФИДДИНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги коллективи рудасиз материаллар саноати Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари А. Х. Ильяевга отаси

Ханан Изральевич ИЛЬЯЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети коллективи халқ чолғу асбоблари оркестрининг солисти З. Султоновга онаси

Сорабиби НАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Театр жамияти правлениеси радио ва телевидение халқ чолғу асбоблари оркестрининг солисти, театр жамиятининг аъзоси З. Султоновга онаси

Сорабиби НАЗАРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №25, Редактор—336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия турмуши — 333489, 337221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331455, Халқаро ҳаёт — 337221, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 332258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424, Оммавий ишлар ва хатлар — 332143, 333553 Иллюстрация — 334324, Стенографистка — 337343, Корректура—337162, Эълонлар—338142, Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 43—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—62, Самарқанд — 31—972, Термиз — 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4—29—44.

Б. — 70. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 08876.